БУТУН ДУН'Ё ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ
ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 167 (6594)
21 АВГУСТ
1946 йил
ЧОРШАНБА
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Область ва район газеталарининг энг муҳим вазифалари

Мамлакатимиз тинч қурилиш даврига қадам қўйиб, улуғвор ишлар программасини бажаришга киришган ҳозирги шароитда, халқ оммасини мамлакатимиз олдида турган вазифаларни муваффақиятли бажаришга сафарбар қилиш ва меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш масалалари ғоят катта аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги вақтда хўжалик ва маданий қурилиш соҳасидаги вазифаларнинг тўла-тўкис бажарилиши партия ташкилотларининг меҳнаткашлар оммаси ўртасида олиб борадиган сиёсий ишларига боғлиқдир. Матбуотимизнинг эса бу соҳадаги роли ғоят катта. Чунки у, халқ оммаси блан чамбарчас боғланган. Партия матбуот орқали ҳар куни ва ҳар соат халқ блан ўзига керакли тилда гаплашади.

Большевиклар партиясининг ўткир қуроли бўлган матбуот уруш йилларида халқ оммасини душманга қарши ғолибона курашга отлантирган бўлса, ҳозирги шароитда меҳнаткашларни Сталинча бешйиллик планни бажариш учун курашга сафарбар қилмоғи, оммани социалистик онглилик руҳида тарбияламоғи лозим.

ВКП(б) Марказий Комитети яқинда «Молот», «Волжская коммуна» ва «Курская правда» газеталарини яхшилаш чоралари тўғрисида махсус қарор қабул қилди (бу қарорнинг мазмуни «Культура и жизнь» газетасининг 4-нчи сонида босилиб чиқди). ВКП(б) Марказий Комитети бу газеталарнинг ишидаги жиддий камчиликларни кўрсатиб, уларнинг олдида турган вазифаларни аниқ белгилаб ўтди.

ВКП(б) Марказий Комитети ўз қарорида бу газеталарнинг редакциялари «маҳаллий партия ва совет ташкилотларидан ажралиб қолган, жойлардаги ҳақиқий аҳволни ўрганмайдилар, ўз областьларининг ҳаётини кўнгилдагидек ёритмайдилар ва партиявий-сиёсий ишлар, хўжалик ва маданий қурилишга доир асосий масалаларни қўйишда ташаббус кўрсатмайдилар, газеталар маҳаллий ташкилотларнинг ишини дадил танқид қилмайдилар, совет ва хўжалик аппаратининг барча тармоқларида давлат ва меҳнат интизоми учун бўш курашадилар» деб та'кидлади.

Партия Марказий Комитетининг бу қарори республикамизда чиқадиган барча республика, область ва район газеталарига ҳам тўла тааллуқлидир. Кейинги ойларда область газеталарининг тўрт саҳифа бўлиб чиқа бошлаши, полиграфия базасининг бирмунча яхшиланишига қарамасдан, кўпгина газеталаримизнинг ишида, мазмунида жиддий бурилиш бўлганича йўқ. Область газеталаримизда халқ хўжалигини тиклаш ва ривожлантириш бешйиллик плани системали равишда оммабоп тилда тарғиб қилинмаётир.

Пахтачиликни янада ривожлантириш Сталинча программасини бажариш учун кураш энг асосий вазифамиздир. Область ва район газеталарининг асосий вазифаси — колхозчилар оммасини Сталинча программани бажариш учун сафарбар қилишдир.

Газеталаримизнинг муҳим камчиликларидан бири шуки, йиллик ва ойлик планларини муддатидан илгари бажараётган корхоналар, илғор цехлар ва стахановчиларнинг тажрибалари умумлаштирилмайди. ЎзК(б)П Наманган обкомининг газетаси «Сталин ҳақиқати» бунга мисол бўла олади. Бу газетада бешйиллик планни тушунтириб берувчи мақолалар, совет корхоналарининг ишларидаги камчиликларни очиб ташлайдиган, яхши тажрибаларни умумлаштирган мақола, хабарлар кам. 1946 йил планини бажаришда ҳал қилувчи кварталга қадам қўйган ҳозирги вақтда саноат корхоналари масаласига жиддий э'тибор қилиш керак.

Район, область газеталарининг ўз олдиларига қўйган вазифани муваффақиятли суратда бажаришлари партия ташкилотларининг ўз газеталарига кундалик раҳбарлигига, ёрдамига боғлиқдир. Бухоро область, Ғиждивон район партия комитети ўз газетаси «Колхоз ҳақиқати»нинг ишлари блан қизиқмайди. Бу газета суюқ ва юзаки материаллар блан чиқаётир, системасиз ва плансиз ишламоқда. Лекин райком бюроси бундай аҳволни бирор марта ҳам муҳокама қилган эмас. Қашқадар'ё область, Ғузор районида чиқадиган «Ғаллачи» газетасининг бир сонида юзлаб орфографик хатоларнинг бўлиши фақат шу газета ходимларининг гина эмас, балки район партия комитети секретарьларининг ша'нига ҳам муносиб эмас.

Область газеталаримизнинг ишидаги асосий камчиликлардан бири большевистик танқиднинг етарлик бўлмаганлигидир. Айниқса ҳозирги шароитда танқид ва ўз-ўзни танқидни қизитиш энг муҳим вазифалардан биридир. Айрим хўжалик органларида, корхоналарда давлат планларини бажаришдаги кўзбўямачиликларни, давлатга қарши кайфиятларни, қишлоқ хўжалик артели Уставини бузиш фактларини аёвсиз фош қилиш—ҳозирги вақтда область ва район газеталаримиз олдида турган асосий вазифалардан биридир.

Бизнинг ба'зи бир область газеталаримиз, чунончи «Илғор сурхон учун» газетаси бундай кишиларни қаттиқ танқид қилиш ўрнига, раҳбар ходимларнинг ўз камчиликларини э'тироф қилиб айтган қуруқ гапларини босиб чиқариш блан чекланадилар.

Газетада партия ҳаёти, партия ташкилий масалалари, айниқса ёш коммунистларни тарбиялаш, бошланғич партия ташкилотларини мустаҳкамлаш масалалари ўзига муносиб ўринни эгаллаган эмас.

Большевистик матбуотнинг ташкилотчилари улуғ Ленин ва Сталин матбуот халқ оммасига та'сир қилишда пропаганданинг қудратли қуроли, партия блан халқни бир-бирига боғлайдиган кучли восита деб та'рифладилар. Партия ташкилотлари шуни эсда тутган ҳолда газетага кун сайин раҳбарлик қилишлари, уларнинг ишини тўғри йўлга солишлари, газеталарни омма ўртасида олиб бориладиган сиёсий ишларнинг марказига айлантиришлари керак.

Газетанинг сиёсий-ғоявий ва маданий савияси биринчи навбатда газета ходимларининг марксизм-ленинизм та'лимотини пухта эгаллашларига, ўз назарий савияларини кун сайин оширишларига, большевистик матбуотнинг ходимига хос принципиал, изчил ва ҳаққоний бўлишларига боғлиқдир. Партия ташкилотлари матбуот ходимларининг, актив мухбирларнинг марксизм-ленинизмни эгаллашлари, системали ўқишлари учун ғамхўрлик қилишлари керак.

Планли ишлаш, газетанинг планини область ва район партия, совет ташкилотлари олдида турган вазифалар блан чабмарчас боғлаш, масалаларни чуқур ва системали ёритиш, янги масалаларни илгари суришда ташаббус кўрсатиш, принципиаллик, ғоявийлик—газеталаримизнинг сра ажралмас хислати бўлмоғи лозим.

Кўпгина газеталаримиз ишчи-деҳқон мухбирлари блан ишлашни эсдан чиқариб қўйдилар. Ба'зи газеталар бирнеча ходимларнинг имзоси блангина чиқади. Район ва область партия-совет активларини, инженер-техникларни, илмий ходимларни, қишлоқ интеллигенциясини газетага актив жалб қилиш, мухбирлар сафини борган сари кенгайтириш керак. Бу эса, газеталаримизнинг халқ оммаси блан алоқасини янада мустаҳкамлайди, уларнинг обрўсини янада баланд кўтаради.

Партия ташкилотларининг энг муҳим вазифаси коллектив ташвиқотчи, тарғиботчи ва ташкилотчи бўлган газеталарга раҳбарликни кучайтириш, газеталаримизнинг сиёсий-ғоявий ва маданий савиясини борган сари юқори кўтаришдир.

СССР Министрлар Советида

КОМПОЗИТОР ВА ДИРИЖЁР, СССР ХАЛҚ АРТИСТИ ГЕНЕРАЛ-МАЙОР А. В. АЛЕКСАНДРОВНИНГ ХОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШ ВА УНИНГ ОИЛАСИНИ ТА'МИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

ССР Иттифоқи Министрлар Совети қарор қилди:

1. СССР халқ артисти **А. В. Александров** номида қуйидаги стипендиялар белгилансин:

а) Москвадаги П. И. Чайковский номли давлат консерваториясида —студентлар учун ҳар бири 400 сўмдан беш стипендия.

б) Ленинград давлат консерваториясида—студентлар учун ҳарбири 400 сўмдан уч стипендия.

2. Совет армияси Қизил байроқли қўшиқ ва рақс ансамбли **А. В. Александров** номига қўйилсин.

3. Совет армияси Қизил байроқли қўшиқ ва рақс ансамбли ҳузурида **А. В. Александров** номли вокаль-хореография мактаби ташкил қилинсин. Мактабда 200 ўғил бола ўқисин ва бу мактаб Суворов ҳарбий мактаби ҳуқуқларидан фойдалансин.

4. **А. В. Александровнинг** рафиқаси Ксения Павловна Александровага бир йўла 50.000 сўм миқдорида нафақа берилсин ва унга умрбод ойига 750 сўм миқдорида шахсий пенсия белгилансин.

5. **А. В. Александровнинг** ўғли Юрий Александровга олий мактабни тамомлагунига қадар ойига 750 сўм миқдорида пенсия белгилансин.

ВЦСПСда

Ёрдамчи хўжаликларда ва ишчи ҳамда хизматчиларнинг полизларида ҳосилни йиғиб-териб олиш тўғрисида

ВЦСПС секретариати 1946 йилда ёрдамчи хўжаликларда ҳамда ишчи ва хизматчиларнинг полизларида картошка ва сабзавот ҳосилини йиғиб-териб олиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Касаба союз ташкилотларига картошка ва сабзавот ҳосилини йиғиб-териб олишга бу хўжаликларда ишлаётган ходимларнинг ишга қобилиятли барча оила а'золарини, зарур ҳолларда эса, корхонанинг асосий ишига зарар еткизмай, корхонада ишлаётган ишчи ва хизматчиларни жалб қилишда ёрдамчи хўжаликларнинг раҳбарларига кўмаклашиш таклиф этилди. Ишчи ва хизматчилар йиғим-терим ишига фақат уларнинг розилиги блан тортилиши мумкин. Йиғим-терим ишлари бошлангунига қадар бригада ва звеноларни ҳамда ишчиларни йиғим-терим ишларининг графиги, иш нормалари, иш ҳақи, меҳнатга ҳақ тўлаш ва мукофотлаш тартиби блан таништириш зарур. Социалистик мусобақани кенг қизитиш, меҳнатга ҳақ тўлашда ишбай усулини ва мукофот системасини қўлланиш асосида, топшириқларнинг тўла ва ошириб бажарилишини та'минлаш керак. Мусобақа натижаларига ҳар куни якун ясаб бориш лозим.

ВЦСПС секретариати касаба союзи ташкилотларига йиғим-теримда ишлаётган кишиларни уй-жой, овқат блан та'минлашни, уларга маданий хизмат кўрсатишни, иш сифати, ҳосилни тўғри ҳисоблаш, қабул қилиб олиш ва қўриқлаш устидан жамоат назорати уюштиришни топширди.

Касаба союзларининг марказий, область, фабрика-завод ва маҳаллий комитетларига, полизчилик ва чорвачилик комиссияларига ҳалок бўлган жангчилар ва ҳарбий хизматчиларнинг оилаларини, уруш ва меҳнат инвалидларини картошка ва сабзавот ҳосилини ташиб олиш учун транспорт блан биринчи навбатда та'минлаш таклиф этилди.

Ишчи ва хизматчиларга ўтган йиллардагидек бу йил ҳам ўз полизларида етиштирган картошка ва сабзавотни 1 сентябрьдан 15 ноябрьгача шаҳар атрофидаги ва маҳаллий темир йўллардаги поездларда, шунингдек маҳаллий кемаларда мавжуд нархларда ҳақ тўлаб, 50 килограмм миқдорида мони'сиз ташишга руҳсат берилади. (ТАСС).

В. И. Ленин ва И. В. Сталин асарлари осетин тилида

ТБИЛИСИ, 19 август (ТАСС). Марксизм-ленинизм классикларининг асарлари осетин тилида кўп нусхада нашр қилинмоқда. В. И. Лениннинг «Коммунизмда болаларча сўллик касали», «Давлат ва революция» деган асарлари таржима қилинди ва яқин кунларда босилиб чиқади. Ўртоқ Сталиннинг «Совет Иттифоқининг Улуғ Ватан уруши тўғрисида» деган асари бешинчи марта нашр қилинади. ВКП(б) Тарихи қисқа курси ва большевиклар партиясининг тарихига доир бошқа китоблар қайтадан босилади.

ЭЛЕКТР ҚУВВАТИНИ ТЕЖАШ ЮЗАСИДАН ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФ УЧУН КОНКУРС

СССР Электростанциялар министрлиги ҳузуридаги Промэнергетика ва энергетика Давлат назорати инспекцияси электр ва буғ қувватини тежаш юзасидан энг яхши таклиф учун Бутун Иттифоқ конкурси ўтказмоқда. 83 та мукофот тасдиқланди. Булар орасида 15 минг сўмликдан уч мукофот ва 10 минг сўмликдан беш мукофот бор. Таклифлар 15 ноябрьгача топширилиши керак. Ҳозирнинг ўзидаёқ конкурсга мамлакатнинг турли жойларидан таклифлар туша бошлади. Конкурсда москвалилар ва донбассликлар айниқса актив қатнашмоқда.

Келаётган таклифларнинг талай қисми иш технологиясини яхшилашга қаратилган. Улардан ба'зилари катта аҳамиятга эга. Масалан, В. П. Ремин (Сталинскдан) ферросплав печьларини қайтадан қуришни таклиф этди. Бу йилига қарийб бир ярим миллион киловатт-соат электр қувватини тежашга имкон беради. Т. А. Богомолов (Москва область, Балашихадан) маиший эҳтиёжлар учун сарфланадиган электр қувватини чекловчи асбоб тузиб берди. Бу асбобни кенг қўлланган тақдирда, талай миқдорда электр қуввати тежалиши мумкин. (ТАСС).

ШЕКИНО ГРЭСИ ҚУРИЛИШИДА

Тула областидаги Шекино шаҳри ёнида, Упа дар'ёси ёқасида, янги ГРЭС қурила бошланди. Бу—Москва яқинидаги энг йирик электростанцияларнинг бири бўлади. Янги электростанция Москвани ва унинг атрофидаги областьларни электр қуввати блан та'минлайдиган Мосэнерго тармоғига қўшилади. (ТАСС).

ПАХТАКОРЛИК АГРОТЕХНИКАСИ ВА МЕХАНИЗАЦИЯСИ ЮЗАСИДАН ЧАҚИРИЛГАН ИККИНЧИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ЁПИЛДИ

АГРОТЕХНИКА СТАНЦИЯСИГА ЭКСКУРСИЯ

Пахтакорлик агротехникаси ва механизацияси юзасидан чақирилган иккинчи республика кенгашининг қатнашчилари 18 августда СоюзНИХИ қарамоғидаги Оққовоқ тажриба агротехника станциясини бориб кўрдилар. Агрономия фанининг янги муваффақиятлари блан, станциядаги тажриба далалари блан танишиш кенгаш ишларининг давоми эди.

Ўсимликлар физиологияси лабораториясининг раҳбари қишлоқ хўжалик фанлари кандидати ўртоқ Н. Тодоров кенгаш вакилларига ўсимликларнинг қандай озиқланишини ва ғўза нима учун шоналарини тўкишини тушунтириб берди.

— Ҳатто серқуёш Ўрта Осиё шароитида ҳам, — дейди физиолог Тодоров, — ёруғлик етишмай қолиши мумкин. Ёруғлик кам бўлиб шира етишмаганидан барг ўсишдан тўхтайди. Тажриба шона ва кўсакларнинг ёруғлик ва шира етишмаганлигидан тўкилганлигини та'кидлади. Ёруғлик камлиги ғўзага жуда ёмон та'сир қилади.

Сўнгра ўртоқ Тодоров кенгаш вакилларига ёруғлик, сув, озиқ бериш ғўзанинг ҳосил тугишига қандай катта ёрдам берганлигини сўзлаб берди.

Агрохимия лабораториясининг раҳбари, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати ўртоқ Белоусов кенгаш вакилларига тупроқдаги озиқ моддалари миқдорини, ғўзага ўғит бериш хусусиятларини, маҳаллий ва ма'дан ўғитлар ғўзага жуда яхши та'сир қилганлигини батафсил сўзлаб берди.

Сўнгра экскурсия қатнашчилари тажриба далаларини кўздан кечирдилар.

Пахтачилик институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари ўртоқ Г. Попов, станция директори ўртоқ Ефимов, қишлоқ хўжалик фанлари кандидатлари Дорман, Еременко, Кан ўртоқлар, станциядаги алмашлаб экиш бўлимининг илмий ходимлари Бодров ва Березовский ўртоқлар вакилларни ҳар хил агротехника тажриба майдонлари блан таништирдилар.

Мана мўл ҳосил участкаси. Станция ходимлари меҳнатни, ўғит, сув ва бошқа воситаларни мумкин қадар кам сарфлаган ҳолда ҳарбир гектар ердан 50 — 60 центнердан ҳосил етиштиришни ўзларига вазифа қилиб қўйибдилар. Ўтган йили ҳарбир гектар ердан 57,9 центнердан ҳосил олинган. Бу йил яна ҳам кўпроқ ҳосил олинмоқчи. Ғўзалар гуркираб ўсиб турибди, ҳарбир гектарда 80—82 минг туп ғўза, ҳар тупда жуда кўп йирик кўсаклар бор.

— Бу участкада қандай агротехника усули қўлланилди? — деб сўрайди Андижон область Хўжаобод район техника экинлари бўлимининг бош агрономи ўртоқ Мелник.

Ўртоқ Еременко бунга жавоб бериб, шундай деди:

— Биз кузги шудгорни 30 сантиметргача чуқурликда ўтказдик. Эрта баҳорда биринчи марта бороналадик. Чигит экиш олдидан ерни 13 апрельда иккинчи марта бороналадик. Шундан кейин трактор сеялкаси блан хилланиб яхши ивитилган чигит экдик. Участкадаги ғўза беш марта суғорилди ва беш марта культивация қилинди. Ҳарбир гектар ерга 150 килограммдан азот ва фосфор солдик.

Кенгаш вакили агроном ўртоқ Малишев:

— Участкадаги ғўзалар ғовлаб кетмадими? деб савол берди.

Ғўза қатор оралари текшириб кўрилди. Агрономлар ғўзаларнинг ғовламаганлигини, яхши ва равон ўсганлигини аниқладилар.

Кенгаш вакилларидан бири:

— Бу участкада меҳнат ва бошқа воситалар унчалик кўп сарфланмагани ҳолда, мўл ҳосил олинмоқда. Кўпгина колхозларда ерни ишлаш учун ва ғўзани парвариш қилиш учун кўп меҳнат сарфлангани ҳолда, ҳосил кам бўлади. Бунинг сабаби нима? деб сўрайди.

Бу саволга ўртоқ Попов қуйидаги жавобни беради:

— Мўл ҳосил олишнинг сири барча агротехника қоидаларини ўз вақтида ва тўғри бажаришдадир.

Тошкент область, Мирзачўл районининг участка агрономи ўртоқ Самодуров ҳам буни та'кидлади. У иккита мисол келтирди. Охунбобоев номли биринчи колхоз бултур ҳар бир гектар ердан 12,3 центнердан ҳосил олди, унинг ёнидаги Каганович номли колхоз эса ери анча яхши бўлишига қарамай, 7,2 центнердан ҳосил олди.

Мўл ҳосил, даставвал ерни яхши қилиб ҳайдашга, ғўзани ўз вақтида суғоришга ва қатор ораларини ўз вақтида культивация қилишга боғлиқдир.

Беданинг ва алмашлаб экишнинг пахта ҳосилига та'сирини ўрганиш юзасидан ўтказилаётган тажрибалар вакилларни айниқса қизиқтирди.

Станцияда эришилган тажрибалар пахта-беда алмашлаб экишнинг пахта ҳосилига ғоят катта аҳамияти борлигини яққол та'кидлайди. Беда экилган ерни икки йилдан кейин бузиб, пахта экканда энг яхши натижа берганлиги аниқланди. Дуруст, бу ҳолда чорва моллари учун беда ҳосили бирмунча камроқ бўлади, лекин пахта ҳосили анча ошади.

Станцияда пахта майдонларини ер тагидан суғориш юзасидан олиб борилаётган тажрибалар вакилларни қизиқтирди. Ғўзаларни бу усул блан суғориш катта аҳамиятга эга, чунки бундай усулни қўлланганда сув исроф бўлмайди, суғорувчиларнинг меҳнати енгиллашади, тупроқни ишлаш миқдори камаяди.

Кенгаш вакиллари донгдор соҳибкор орденли Ризамат Мусамуҳаммедовнинг ишини хурсандчилик блан кўздан кечирдилар. Ўртоқ Мусамуҳаммедов қарамоғида 22 гектар ток бор. Бу ерда 75 хил узум етилади. Бир гектар ерда 2.400 туп кўчат бўлган токзорлар ҳам бор. Ризаматака бу йил мўл ҳосил олмоқчи. Токзорнинг айрим жойлари ҳар бир гектаридан 60 тоннадан узум беради.

Ўртоқ Мусамуҳаммедов пахтакорларга мурожаат қилиб:

— Пахтакор ўртоқлар, мен сизлардан колхозларингизда токчиликни ривожлантиришингизни илтимос қиламан, колхозларимиз ҳар тарафлама ривож топган юксак маданиятли хўжаликка айланмоқлари керак, деди.

СоюзНИХИнинг Оққовоқ агротехника участкасига қилинган экскурсия вакилларга кўп фойда берди.

Агрономлардан Молчанов, Мусерский, Малишев ва Мельник ўртоқлар станция ва пахтачилик институти ходимларидан, пахтачилик юзасидан ўтказилган ҳар хил тажрибалар тезроқ тўпланиб Ўзбекистон шароитида кенг қўлланиш учун босиб чиқарилсин, деб талаб қилдилар. Пахта — беда алмашлаб экиш ва ерни академик Вильямс усулида ишлаш юзасидан бўлган тажрибалар биринчи навбатда нашр қилинмоғи керак. Станциянинг ўз тажрибалари тўғрисидаги асарлар колхоз ва совхозларга пахтадан мўл ҳосил олишга ёрдам беражак.

* * *

19 августда пахтакорлик агротехникаси ва уни машиналаштириш юзасидан чақирилган иккинчи республика кенгаши қўйилган масала юзасидан тегишли қарорларни қабул қилиб, ўз ишини тамомлади.

Тўқимачилик саноати активининг республика кенгаши

Тўқимачилик саноати активининг республика кенгашида Ўзбекистон ССР Тўқимачилик саноати министри ўртоқ С. П. Нусратов Ўзбекистон Тўқимачилик саноатини ривожлантириш бешйиллик плани ва 1946 йилдаги вазифалар ҳақида доклад қилди, пахта заводлари, ипак фабрикалари, сун'ий тола, қоп-қанор, каноп корхоналари ва тўқимачилик саноатининг бошқа барча тармоқлари олдида турган вазифаларни кўрсатиб берди.

— Республикамизнинг пахта толаси ишлабчиқаришдаги роли ниҳоят катта, — дейди ўртоқ Нусратов,—Иттифоқда ишлабчиқариладиган пахта толасининг учдан икки қисмини, ипакнинг қарийб ярмини республикамиз беради, шунингдек бошқа хил тола ишлабчиқаришда ҳам катта ўрин олади.

—Сталинча янги бешйилликнинг охирида,—дейди докладчи,—пахта заводларимиз 730 минг тонна тола бериши керак. Бу эса, 1945 йил махсулотига қараганда 3,5 баравар ошиқдир. Янги бешйилликнинг охирида тозаланадиган чигит 1миллион 255 минг тоннага етади, я'ни 1945 йилга қараганда 3,5 баравар кўп бўлади. Ипак ишлабчиқариш 3,5 баравар ошади. 841 минг тоннага етади, ипакли газ моллар эса, 5 миллион 100 минг метр, я'ни ўтган йилга қараганда 5 марта кўп бўлади. Каноп 5,5 марта, қоп-қанорбоп газмол 3,5 марта кўпаяди. Республика тўқимачилик саноатининг умум маҳсулоти янги бешйилликнинг охирида, урушдан аввалги даражадан 50 процент ошади.

Тошкент тўқимачилик комбинатининг маҳсулоти 1,5 марта, Фарғона комбинатининг маҳсулоти 2,5 марта кўпаяди.

Янги бешйилликда газмолларнинг таннархи 15 процент пасайтирилиб, меҳнат унуми 21 процент оширилади. Тўқимачилик саноатини ривожлантириш учун 230 миллион сўм сарфланади, 9 та янги пахта заводи қурилади, эски заводларда қўшимча 7 батарея ўрнатилади. Янги шойи тўқиш фабрикалари, Нукусда янги тўқув фабрикаси, Тошкент каноп фабрикасининг иккинчи навбати барпо этилади, Самарқанд шойи тўқиш фабрикаси кенгайтирилади.

Докладчи 1946 йил вазифаларига тўхталиб, шу йилнинг 6 ойида пахта заводлари давлат программасининг 99 процент, ипакчилик саноати 77 процент, тўқимачилик корхоналари 90 процент бажарганини айтди.

Тўқимачилик саноатининг 30 корхонаси ўз планини бажармади. Хоразм ва Қорақалпоғистондаги пахта заводлари айниқса ёмон ишладилар. Тошкентдаги каноп фабрикаси бу йил яхши ишлаш учун ҳамма шароит бўлишига қарамай, маҳсулотни камайтириб қўйди. Завод раҳбарлиги Тошкент областида бир ойга етарли хомаш'ё бўла туриб уни олиб келтиришга ҳаракат қилмади, Иттифоқнинг бошқа ўлкаларидан материал келишини кутиб, фабрикани 12 кун ётқизиб қўйди. Пахта заводлари ва ипак саноатида механизмларнинг пландан ташқари бекор туриши иш вақтининг 20 процентига етади.

Урушдан кейин қурилишлар ғишт, цемент, ёғоч, ойна ва бошқа бинокорлик материаллари блан тузук та'минланиб турибди. Шунга қарамай, саноат корхоналарини қуриш жуда суст бораётир. Каноп фабрикасининг иккинчи навбат қурилиши аллақачон бошланган бўлса ҳам программа энди 13 процент бажарилган, халос. Зирабулоқ пахта заводи қурилишида ҳам аҳвол ана шундай. Тошкент пахта тресги, Марғилон ипак комбинати ва бошқа кўпгина корхоналар ва трестлар шу вақтга қадар уй-жой қуришга киришган эмаслар. Бунинг сабаби шуки, трест ва корхона раҳбарлари қурилиш ишларини прораб ва десятникларга топшириб қўйиб, ўзлари бу иш блан бутунлай шуғулланмайдилар.

Ҳозир бизда ёқилғи, материал, янги механизмлар, эхтиёт қисмлар етарли. Арзон ва яхши маҳсулотни кўплаб ишлабчиқариш учун барча имконият бор. Аммо кўпгина корхоналар ўз ишларини қайтадан қуриб олмаганлар. Маҳсулот таннархи ошиб кетган. Пахта толасининг таннархи планда кўрсатилган нархга кўра 30 процент, ипакнинг таннархи 60 процент ошиқ. Чунки корхона раҳбарлари ўринсиз харажатларга йўл қўймоқдалар.

Докладчи Урганч, Самарқанд, Бухоро ва бошқа пахта заводларида ҳам пахтани қабул қилиш, пахтани ёмон сақлаб чиритиш, ҳархил суиисте'молларга йўл қўйилганлигини қаттиқ танқид қилди. Ўртоқ Нусратов ўз докладини тамомлаб, тўқимачилик саноати ходимларини сталинча янги бешйиллик планини ва 1946 йил планини муддатидан аввал бажариш учун курашга чақирди.

Музокараларда сўзга чиққан Денов пахта заводи касаба комитетининг раиси ўртоқ Корнеев, завод коллективининг ўзаро социалистик мусобақани кенгайтириш асосида июль ойида тола ишлаб чиқариш планини 110 процент, чигит ишлабчиқариш планини 109 процент, линт ишлабчиқариш планини 181 процент бажарганини айтди.

Тўрткўл пахта заводининг директори ўртоқ Мартинов сўзга чиқиб, бу заводнинг республикада қийин шароитда ишлашини ва шунга қарамай, шу йилнинг биринчи ярмида тола ишлабчиқариш планини 117 процент, линт планини 123,7 процент бажарганини гапирди. Завод бу ютуққа технологияга риоя қилиш, ремонтни сифатли ўтказиш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш натижасида эришган.

Агроном ўртоқ Кочубей уруғчилик соҳасидаги камчиликларни танқид қилиб бундай деди:

— Техника экинлари министрлиги томонидан тўқимачилик саноати олдига қўйилган талаб ва да'волар ўрганилди. Ҳамма гап чигитнинг сифатли бўлишида қолган. Пахта заводлари уруш йилларида уруғлик чигитнинг сифатига ҳам э'тибор бердилар. Чигитнинг яхши ва ёмонлари аралашиб кетганлиги сабабли, колхоз ва совхозларга берилган уруғликнинг 70 процентигина униб чиқмоқда. Урушдан аввал эса, бундай чигит 90 процентни ташкил қилар эди. Кейинги вақтларда уруғлик чигитнинг линти ҳам олинмайдиган бўлиб қолди. Бундай чигитнинг униб чиқиши қийин, шунингдек бундан давлатга ҳам анчагина зиён келади.

Кенгашда Янгийўл пахта заводининг қизил байроқли смена бошлиғи ўртоқ Юнусов ўз тажрибаларини айтиб берди. Планни ошириб бажаришимизга сабаб шуки,—деди у,—биз механизмларга яхши қараймиз, ремонтни сифатли ўтказамиз. Сменада меҳнат интизоми мустаҳкам.

Ўртоқ Шатаев каноп ва қоп-қанор заводларининг ишига тўхтаб, бу соҳа тўқимачилик саноатининг энг қолоқ участкаси эканини кўрсатди. Каноп Ўзбекистонда янги экин эмас. У кўп йиллардан бери Қуйи ва Юқоричирчиқ районларида экилади. Аммо план бажарилмайди. Бу экинга жуда кам э'тибор берилади.

Бу йил Қуйи ва Юқоричирчиқ районларининг колхозлари мўл ҳосил етиштирдилар. Бу ҳосилни ўз вақтида ташиб олиб, заводларнинг бир ме'ёрда ишлашини та'минлаш учун транспорт етишмайди. Каноп экган колхозларда фақат 34 та бричка бор. Бу етмайди. Программанинг бажарилишини та'минлаш учун камида 56 та автомашина керак.

Кенгашда Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Усмон Юсупов сўзга чиқиб, тўқимачилик саноати ходимлари олдида турган вазифалар ҳақида муфассал гапирди.

Кенгашда Ўзбекистон тўқимачилик саноатини ривожлантириш бешйиллик плани ва 1946 йил планини бажариш чоралари, пахтани яхши сақлаш тадбирлари ва пахта тайёрлаш системасининг ишини яхшилаш тўғрисида Ўзбекистон Тўқимачилик саноати министрлигининг янги буйруғи муҳокама қилинди.

Пахта йиғим-теримига большевикча тайёрланайлик

Пахта терими бошланди

ТЕРМИЗ (ЎзТАГ). Ўзбекистоннинг жанубий районларида колхозчилар очилган пахталарни танлаб теришга ва давлатга топширишга киришаётирлар.

Термиз районидаги «Қизил шарқ» колхозининг ўртоқ Жўраева бошлиқ звеноси янги ҳосилни тера бошлади. Колхозчи Тошева ва бошқа ўртоқлар ҳар куни терим нормасини ошириб бажармоқдалар. Ўртоқ Жўраева звеноси ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар бир гектар ердан 10 центнердан пахта топширди.

Тайёрлаш пунктларига янги ҳосил пахтасини ортган автомашиналар ва аравалар кела бошлади. Термиз районидаги «Гулистон» колхози 28 тонна пахта топширди. Шу райондаги «Қизил гул» колхози тайёрлаш пунктига 23 тонна, «Қизил байроқ» ва «1-нчи Май» колхозлари 16 тоннадан пахта топширдилар. Термиз районида 22 колхоз ва Шеробод районида 24 колхоз пахта топширишга киришди. Бу колхозларда 300 тоннадан ортиқ пахта тайёрланди.

Сурхондар'ё область Шўрчи ва Жарқўрғон районларидаги колхозлар ҳам пахта теримига киришдилар.

МЎЛ ҲОСИЛНИ — ЯХШИ ТАЙЁРГАРЛИК БЛАН КУТИБ ОЛАМИЗ

Колхозимизнинг а'золари бу йил пахта майдонларини беш марта чопиқ қилдилар. Август ойида, ғўзани чеканка қилгандан кейин, 255 гектар пахта майдонининг ҳаммасини яна бир марта чопиқдан чиқардик ва культивация қилдик. Ўртоқ Муллабой Мадшукуров бошлиқ бригада шу вақт ичида ўз далаларини икки марта чопиқ қилолди.

Биз ғўза парваришини зўр бериб давом эттириш блан бирга пахта йиғим-теримига ҳам яхши тайёрланмоқдамиз. Темирчи ва аравасозларимиз ўртоқ Юсуфжон Мадниёзов бошчилигида 7 та янги арава ясадилар ва 6 аравани ремонтдан чиқардилар. Пахта йиғим-теримида фойдаланиш учун 10 та отни июль ойининг бошидаёқ боқа бошладик. Теримчилар учун 300 этак талаб қилинади. Шундан 150 таси тайёр бўлди. Колхозчи аёлларимиз кечқурунлари этак тикмоқдалар.

Ғўзаларимиз жуда яхши. Биз план бўйича ҳарбир гектар ердан 18,5 центнер пахта йиғиб олишимиз керак эди. Лекин ҳозир ҳарбир гектар ердан 25 центнердан пахта ҳосили йиғиб оламиз деб дадил айтиш мумкин.

Турсун КАРИМОВ.

Пахтаобод район, Қўқон қишлоқ советидаги Охунбобоев номли колхознинг раиси.

ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИГА ТАЙЁРЛИК ҚИЗИТИЛМАГАН

(«Қизил Ўзбекистон»нинг Бухоро область мухбиридан)

Бухоро областида колхозчиларнинг ҳалол ва фидокорона меҳнати туфайли бу йил колхоз далаларида ҳар йилдагидан ҳам мўл пахта ҳосили етишмоқда. Аммо, бу муваффақият пахта йиғим-теримига пухта тайёрлик кўриш блан мустаҳкамланмаётир. Пахтани ёппасига териш бошланишига саноқли кунлар қолганлигига қарамай тайёрлик ишларининг ҳали кўп қисми бажарилмаган.

Партия ва ҳукумат қарорига мувофиқ, областьда 200 километрча катта ва кичик йўл ремонт қилиниши, 300 дан ортиқ кўприк тузатилиши ҳамда янги қурилган йўлларга 25 та кўприк солиниши керак. Белгиланган муддатдан бир ҳафта ўтиб кетгани ҳолда энди 115 километр йўл тузатилди, кўприкларнинг эса, атиги ярми битказилди. Рометон район Уба қишлоқ советидаги «Меҳнат», «Саноат» ва Сталин номли колхозлардан Лағлақа пахта пунктига борадиган йўлларни ҳамда 8 та бузуқ кўприкни тузатишни районда ҳечким ўйламаётир. Бу районнинг Коммуна, Фрунзе номли ва Далмун пахта пунктлари блан колхозлар ўртасида бўлган ўнқир-чўнқир йўллар ва бузуқ кўприкларни ремонт қилиш ҳам кечикмоқда.

Йўл қурилиши ва кўприкларни тузатиш ишларининг бунчалик судралишига сабаб—бу ишга ажратилиши лозим бўлган кишилар ва воситаларнинг тўла ажратилмаганидир. Областьда ҳаммаси бўлиб, 1.600 одам ва 350 арава ҳамда 500 дан ортиқ эшак йўл қурилишида ишлаши лозим бўлгани ҳолда, 700—750 одам ишламоқда. От-арава ва эшакларнинг эса, ақалли 40 проценти ҳам чиқарилмаган. Ғиждивон, Рометон, Каган ва Қизилтепа районларидан келиб ишлаётган кишилар айниқса кам. Ҳолбуки, бу районларнинг йўл ва кўприклари кўпроқ бузуқ бўлиб, тезроқ тузатилишини талаб қилади.

Областьдаги кўп колхозларда пахта йиғим-теримига тайёрликда ўтган йилги хатолар такрорланаётир. Масалан: Ғиждивон район Файзулла Юнусов қишлоқ советидаги Ленин номли колхозни (раиси ўртоқ Сатторов) олиб қарайлик. Бу колхозда 150 га яқин теримчи бўлиши керак. Шулар учун бори-йўғи 37 этак тайёрланган. Пахта ташиш учун, махсус от-ҳўкизлар ажратилиб, боқилаётир. 8 та синиқ арава ва 3 та бричкани тузатишга киришилган эмас. Тош-тарозилар ремонт қилинмай ҳар қаерларда занглаб ётади.

Теримга тушиш олдидан, колхозчиларга ғўза қатор ораларида ишлаш вақтида қилган меҳнатлари учун тегишли авансни бериб тугатиш керак эди. Аммо, иккинчи аванс учун давлатдан олинган 76 минг 856 сўм пул, 33 тонна ғалла, 130 килограмм чой ва 70 килограмм ёғдан колхозчиларга шу вақтгача ҳечнарса берилган эмас. Бунинг сабаби шуки, колхозда ҳисоб-китоб ишлари чатоқлашиб кетган. Ҳисобчи ўртоқ Шодиева колхозчиларнинг июнь ойидан буён қилган меҳнатларини дафтарчаларга ва шахсий ҳисобларига ўтказмаган. Бу колхозчиларнинг кўнглини ишдан совитишга сабаб бўлган. Буни колхоз раиси ўртоқ Сатторов билгани ҳолда, ҳисоб-китоб ишларини йўлга қўйиб, колхозчиларга авансни тезроқ тарқатиш чорасини кўрмаётир.

Пахта мўл ҳосилини муваффақиятли йиғиб-териб олиш учун курашмаётган бундай колхозларни областьнинг ҳарбир районида учратиш мумкин. Қизилтепа район Бўстон қишлоқ советидаги «Қизил шарқ», «Ёш Ленинчи», Шофрикон район Қолмоқон қишлоқ советидаги Охунбобоев ва Сталин номли, Тезгузар қишлоқ советидаги Максим Горький номли ва бошқа ўнлаб колхозларда дала хирмонлари ва майдончалар қилишга ҳалигача киришилмаган. Четанлар тўқишга ҳаракат қилинмаётир. Терим этаклари кам бўлганига қарамай уларни кўпайтириш чораси кўрилмаётир. Колхозларнинг терим планлари йўқ.

Булар, район партия ва совет ташкилотларининг пахта йиғим-теримига олдиндан пухта тайёрланмаслик натижасида ўтган йил юз берган ярамас аҳволлардан сабоқ олмаётганликларини кўрсатади. Колхозларда пахта теримига тайёрликнинг бориши масаласи район партия комитетларининг бюроларидагина эмас, ҳатто ЎзК(б)П область комитети бюросида ҳам шу вақтгача муҳокама қилингани йўқ. Область партия комитетидагилар пахта теримини бошлаб юборишга қисқа вақт қолганини такрор-такрор тилга оладилару, аммо шу қисқа вақт ичида тайёргарлик юзасидан конкрет нималар қилиш кераклиги ҳақида район партия ва совет ташкилотларига ҳамда колхозларга тегишли йўл-йўриқлар бермаётирлар.

М. БОБОШ.

Механизация кадрлари тайёрлашга жиддий э'тибор берилсин

Иттифоқ ҳукуматининг Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантириш тўғрисидаги қарорига мувофиқ, республикамиздаги МТСлар кўплаб янги хил трактор, янгидан ишланаётган пахта йиғим-терим машиналари олиши керак. Ҳозир ана шу янги машиналарни ишлата биладиган механизация кадрлари тайёрлаш энг муҳим вазифадир.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, ЎзК(б)П Марказий Комитетининг шу йил 6 июль қарори ва Тошкент область партия комитетининг қарорига мувофиқ Мирзачўлдаги қишлоқ хўжалигини механизациялаш мактабига ҳам катта вазифа тушади. Шу қарорларга мувофиқ бу мактаб орқали Тошкент область МТСлари 210 тракторчини янги НАТИ тракторларини ҳайдашга ўргатиши керак. Бундан ташқари 90 та участка механиклари пахта териш, кўрак ва кўсак юлиш машиналарини ўрганишлари лозим.

Афсуски, Мирзачўл қишлоқ хўжалигини механизациялаш мактабида бу кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш иши ҳозир ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Мактабда ўқишлар кўрсатилган муддатидан 6 кун кечикиб бошланди. Бунинг устига мактабга 12 июльгача 210 тракторчи ўрнига 90 киши қабул қилинди, 90 та участка механиклари ўрнига 18 киши келди, халос.

Бунга сабаб областьдаги кўпчилик МТС директорлари яқин вақтлар ичида ўз МТСлари учун бериладиган янги хилдаги мураккаб машиналар учун тажрибали кадрлар тайёрлашга ўта кетган даражада мас'улиятсизлик блан қарамоқдалар. Ба'зи район партия комитетларининг раҳбар ходимлари ҳам механизация кадрлари тайёрлашга э'тибор бермаётирлар.

Масалан, Янгийўл районини олайлик. Область партия комитетининг қарорига мувофиқ, бу райондаги 2 МТС дан НАТИ тракторчиси қилиб тайёрлаш учун Мирзачўлдаги мактабга 13 киши ва участка механикларининг билимини ошириш мактабига 7 киши юбориш керак эди. Аммо Янгийўл районидан ҳали бир киши ҳам юборилгани йўқ. Бу аҳвол район партия комитетининг кадрлар бўйича секретари ўртоқ Жуманиёзовни ҳечбир ташвишга солмаётир.

Шунингдек, Калинин райони 4 тракторчи ва 4 участка механиги ўрнига бир киши ҳам юборган эмас. Бўка райони 16 киши ўрнига 2 киши, Бекобод райони 9 киши ўрнига энди бир киши юборди. Сирдар'ё, Юқоричирчиқ ва Қуйичирчиқ районлари ҳам область партия комитети томонидан кўрсатилган тракторчи ва участка механикларини тўла юборганлари йўқ.

Мирзачўлдаги қишлоқ хўжалигини механикалаш мактаби МТСлар учун тажрибали кадрлар тайёрлашда бу йил ҳар йилдагига қараганда тузук шароитда. Яқинда мактаб ўқув қуроли сифатида фойдаланиш учун 2 та янги НАТИ трактори олди. Бундан ташқари янгидан 4 та ўқитувчи—инженер берилди. Тез кун ичида пахта терим машинаси ҳам олинади. Броқ, мактабда ўқиши лозим бўлган ўқувчиларнинг жуда суст тўпланиши мактабда ўқиш ишларининг му'тадил боришига тўсқинлик қилаётир.

Район партия ташкилотлари Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва ЎзК(б)П Марказий Комитетининг механизация кадрларини тайёрлаш ва қайтадан тайёрлаш тўғрисидаги қарорини тўла бажариш ва мактабни қарорда кўрсатилган ўқувчилар блан та'минлашга жиддий э'тибор беришлари керак.

А. РАҲИМОВ.

(«Қизил Ўзбекистон» мухбири).

САМАРҚАНД ПАХТА ЗАВОДИ МАВСУМГА ТАЙЁР ЭМАС

Самарқанд пахта заводи ва унинг қарамоғидаги жинхауз бу йил 11 минг тоннадан кўпроқ пахта тозалаши керак. Шу ҳисобдан 800 тонна уруғлик пахта жинхаузда қайта ишланиши лозим. Лекин завод мавсумда бажариши лозим бўлган бу катта ишни муваффақиятли ўтказиш учун етарли тайёргарлик кўрмаётир.

Пахта заводида ремонт ишлари 1 августгача тамом бўлиши керак эди. Аммо завод раҳбарлари (директори ўртоқ Груздева, бош инженери ўртоқ Божулин) бу ишни ўз вақтида ўтказиш чорасини кўрмаганликларидан завод Тўқимачилик саноати министрлиги томонидан берилган, иккинчи муддатда—15 августда ҳам тайёр бўлмади. 14 августда Самарқанд пахта тресси мутахассислари томонидан ўтказилган махсус текшириш заводда ремонт ишлари мутлақо қониқарсиз бораётганини, янги мавсумга тайёрликда жуда кечикилаётганини аниқлади. Шу блан бирга, айрим агрегатлар сифатсиз ремонт қилинаётгани ма'лум бўлди, Масалан, 1-нчи батареянинг 7-нчи линтери, барабан ремонтида жиддий камчиликларга йўл қўйилган. 7 ва 8-нчи линтерларга занг бостан ва чархланмаган арралар қўйилган.

Пахта заводи янги ҳосилни қабул қилишга тайёрлик кўрган эмас. Заводдаги бирорта омбор ва майдон янги ҳосил учун тайёр қилинмаган. Бу омборларнинг кўпида ҳали ўтган йилги пахталар турганлигидан ремонт ишлари бошланмаган. Масалан, 5, 8, 15 ва 18-нчи омборлар ҳали ҳам эски пахтадан тозаланмаган. Бу омборларнинг томи, поли, сувалиши, эшик-деразалари ремонт қилиниши ва дизенфекциядан ўтказилиши лозим. Тайёрлаш пунктларидаги уруғлик пахта учун қоп-қанорлар келтирилмаган ва улар ямала бошланмаган.

Завод раҳбарлари пахта тозалайдиган жинхаузларни мавсумга тайёрлашга жуда аҳамиятсиз қарамоқдалар. Жинхауздаги омборлар ва ишлабчиқариш машиналарининг ремонтига ҳали киришилмаган деса бўлади.

Тайёрлаш пунктларида ҳам мавсумга тайёргарликда ҳали кўп иш қилинмаган. Янгиқўрғон ва Қўлбости пунктларида омборлар, майдонлар ва тош-тарозиларнинг кўп қисми ҳали ремонт қилинмаган. Умуман олганда, заводга қарашли тайёрлаш пунктларида 6 минг квадратметр том, 13 минг квадратметр пол, 12 минг квадратметр ётоқхона ва бошқа кўп жойлар ремонт қилинмаган. Бунинг устига тайёрлаш пунктлари учун керак бўлган қамиш ва бўйраларнинг учдан бир қисмигина тайёрланган. Пахта ташиш учун от-арава ва туяларни шартнома қилиш ҳали бошланмаган. Пахта пунктларида ишлаш учун 500 га яқин ишчи етишмайди. Завод раҳбарлари ремонтни тамомлаш учун бутун воситаларни ишга солмаганидек, Самарқанд пахта тресси ҳам (бошқарувчиси ўртоқ Нурмуҳамедов) заводни мавсумга тайёрлашга ҳартарафлама ёрдам бермаётир.

Ғ. АШУРОВ.

(«Қизил Ўзбекистон» мухбири)

Пахтани ёнғиндан сақлайлик!

Социалистик ватанимиз учун пахтанинг нақадар катта аҳамиятга эга эканлиги ҳаммага ма'лум. Йил бўйи пахта мўл ҳосили учун узлуксиз кураш олиб бориш натижасида қўлга киритилган пахтанинг бир граммини ҳам нобуд қилмай сақлаш—ҳарбир колхозчининг бурчидир.

Броқ, ба'зи колхозлар пахта теримида, ёки уни ташиш ва қуритишда эҳтиёт чораларини кўрмайдилар. Арзимаган сабаблар блан ёнғин чиқиб, ба'зан кўп пахта ёниб кетади.

Ўтган йили айрим кишиларнинг эҳтиётсизлиги орқасида, бирмунча бахтсизлик ҳодисалари рўй берди. Самарқанд область Пахтакор районидаги Орджоникидзе номли колхозда пахта хирмонининг қоровули М. Қодиров деган киши папирос чакиб ухлаб қолган. Папирос чўғи пахтага тушиб, натижада ёнғин чиқди.

Андижон область Жалақудуқ районидаги «Савой» совхозининг аравакаши 27 сентябрьда ўз аравасидаги пахта устига мактаб болаларидан бирини ўтказиб олган. Бу боланинг папирос чакиши орқасида ёнғин чиқиб, пахта араваси блан ёниб кетган.

Бир куни колхозчилардан 3 киши хасва қўнғизини териб йўқотиш учун далага чиқадилар. Шу куни охирида улар ўт ёқиб ўзларига чой қайнатадилар. Шу орада шамол эсиб, ўт уват чўпларига, улдан пахта хирмонига ўтади. Натижада, аллақанча пахта ёниб кетади.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Буларнинг ҳаммаси ёнғин чиқишига қарши чораларни пухта қўлламаслик, эҳтиёт чораларига э'тибор бермаслик орқасида юз беради.

Пахта терими яқинлашиб қолди. Бизнинг вазифамиз теримга яхши тайёрланиш ва бу ишни ўз вақтида пухта ўтказиш, терилган пахтани ҳар қандай ёнғиндан ва бошқа нобудгарчиликлардан тўла сақлашдан иборат бўлиши керак.

Пахта хирмони ариқ яқинидаги баландроқ қуруқ ерга қилиниши ва ер бети сомонли лой блан яхшилаб сувалиши керак. Хирмон атрофи ҳайдалиб, хас-чўпдан тоза тутилиши зарур. Шу блан бирга хирмон ёнида сернам пахталарни ёйиб қуритадиган майдонча ҳам бўлиши керак.

Ҳарбир пахта хирмонида, ёнғинга қарши қуйидаги чораларга амал қилиш зарур.

Хирмонда папирос чекиш, гугурт ёқиш, гулхан қилиш, машиналарни ремонт қилиш каби ишлар тақиқланади. Папирос чекиш учун хирмондан камида 100 метр четроқда алоҳида жой белгиланади. Бу жойга сув солинган бочка ўрнатилиши керак.

Шунингдек хирмон яқинига ошхона, чойхона ва бошқа ўт ёқиладиган жой қилинишига йўл қўймаслик керак.

Пахта хирмонида ёш болаларнинг юришига йўл қўймай, болалар боқчаларининг хирмон еридан четроқда бўлишига эришмоқ лозим.

Хирмон яқинида трактор, автомашиналарнинг туришига йўл қўймай, хирмонга келадиган автомашинадаги учқун чиқар трубанинг оғзи махсус тўмтоқ карнай блан беркитилиши, шунда ҳам пахта хирмонига яқин келтирмаслик керак.

Ҳарбир пахта хирмонида камида 50 челак сув сиғадиган бир неча сув бочкаси, бир неча челак, намат, ўт ўчириш машинаси, ёнаётган пахтани ажратадиган паншаха ва ҳоказолар бўлсин.

Хирмонда ишловчи колхозчиларга ма'лум йўл-йўриққа кўра, олдиндан ёнғинга қарши кураш усули ўргатилган ва ёнғин чиққудек бўлса, уларнинг ҳар бири ўз ишларини билиб, тез бажарадиган бўлишлари керак.

Пахтани автомашина блан ташишда қуйидаги тартибга қаттиқ риоя этиш зарур. Пахта ташийдиган машина яхши ремонтланган, ёнилғи баклари ва трубалари тузатилган бўлиши керак. Ёнилғи ёки суркаш майлари томчилаб турадиган машиналар пахта ташиш учун ярамайди. Шунингдек, пахта ташийдиган машинада, унинг трубасидан чиқадиган учқунни ўчирадиган учи берк карнай бўлиши зарур. Пахта ортилган машинага пахтани топширувчи мас'ул кишидан бошқа ҳеч ким туширилмаслиги лозим. Машина пахта ғарами олдига келиши блан мотори тўхтатилиши, машинага пахта ортилганда унинг усти брезент блан яхшилаб беркитилиши, шунингдек машинада ҳамавақт ўт ўчиргич балон ва белкурак бўлиши лозим. Шофер ва у блан бирга юрувчи киши пахта ортилган машинада папирос чекмаслиги керак.

Пахта хирмонида, тайёрлов пункти ва заводларда ёнғин чиқишига қарши чоралар жуда қаттиқ қўллик блан амалга оширилиб, пахтани қабул этиш ишини мумкин қадар қош қорайгунгача тамомлаш керак.

Пахта пунктларида ёнғинга қарши чораларга пухта амал қилиниши учун ҳарбир молшуносга ма'лум пахта омборлари ва пахта ғарамлари беркитиб қўйилади. Қабул этиб олинган пахта тўғри тахтланиши, яхши ғарамланиши ва усти брезент блан пухта беркитилиши, шунингдек пахтанинг яхши сақланаётганлиги устидан назорат этиб турилиши учун уларга махсус ёрдамчи тайинлаб қўйилиши зарур.

Пахта пункти ва пахта заводида пахтанинг чочилиб ётишига йўл қўймаслик учун, пунктнинг саҳни пахта тушириладиган бирнеча участкага бўлиниб, ҳар бир участкага ма'лум кишилар беркитиб қўйилсин.

Пахта терими оммавий равишда бошланишига озгина вақт қолди. Шунинг учун область ва район техника экини бўлимлари, совет ва партия ташкилотлари пахта ҳосилини муҳофаза этиш юзасидан кўриладиган барча чораларни тезда амалга оширилишига эришсинлар.

Колхоз раислари, совхоз директорлари, пахта терими вақтида, пахта хирмони ва пахта қуритиш жойларида ёнғин чиқишига қарши чораларни ва бу тўғридаги тадбирларнинг тўғри амалга ошуви устидан доимо назорат этиб туришлари, ўт ўчириш командаларининг доимо тайёр ҳолдалигини текшириб боришлари лозим.

Д. КЕЛЬБЕРТ.

Инженер-капитан.

„Янги тўлқин“ колхози чорвадорларининг муваффақияти

(«Қизил Ўзбекистон» мухбиридан)

Тошкент область, Ўртачирчиқ районидаги «Янги тўлқин» колхози жамоат чорвачилигини ривожлантиришда катта муваффақиятга эришмоқда. Колхозчилар Қозоғистон ССР Жамбул область, Луговск районидаги «Жони турмис» колхоз а'золарининг чақириғига қўшилиб, чорвачиликни ривожлантириш тўртинчи бешйиллик планини муддатидан аввал бажариш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

— Биз — дейди ферма мудири ўртоқ Ортиқбой Хонқулов,—Ватан уруши йилларида чорва молларини кўпайтириш йўлида қанчалик кўп ишлаган бўлсак, ҳозирги тинч қурилиш йилларида ҳам мол туёғини ошириш, унинг маҳсулдорлигини кўтариш устида астойдил ҳаракат қилмоқдамиз. Уруш йилларида жонажон ватанимизнинг ҳимоячиларига 40 от миндирдик. Украинадаги қардошларимизга 60 қўй, 20 эчки ва бошқа чорва моллари юбориб ёрдамлашдик. Ҳозир чорва молларимиз урушдан аввалгидан ҳам кўпайиб кетди.

Ҳақиқатан ҳам «Янги тўлқин» колхозининг қорамолчилик, қўйчилик ва йилқичилик фермаларидаги моллар йил сайин кўпаймоқда. Колхоз 1946 йил чорвачиликни ривожлантириш планини ҳозирданоқ бажариб қўйди. Бунда ҳарбир 100 совлиқдан 142 тадан қўзи, 100 эчкидан 130 тадан улоқ, ҳарбир 100 сигирдан 100 тадан бузоқ, 100 биядан 85 тадан қулун олинди.

Колхоз давлатга чорвачилик маҳсулоти топшириш планини ҳам ошириб бажарди. Ҳарбир соғин сигирдан сўнгги олти ой мобайнида 448 литрдан сут соғилди.

Чорва молларини яхши парвариш қилиб, ёш моллар туёғини кўпайтиришда яхши муваффақиятларга эришганлари учун чўпон ва мол боқарлардан 10 киши мукофотланди. Чўпонлардан ўртоқ Умаров 100 қўйдан 138 та қўзи олди. Унга 8 та қўзи мукофотга берилди. Чўпонлардан Топар Қўчқоров 13 улоқ, Ўтбосар Шеров 5 қўзи, Умар Султонов 3 қўзи, 3 улоқ мукофот олди.

Колхоз фермаси мол қишловига намунали тайёрланмоқда. Молхона, отхона ва қўйхоналар ремонт қилинмоқда. 650 тонна сомон, пичан, беда тайёрлаб қишлов жойига босиб қўйилди.

«Янги тўлқин» колхозининг чорвадорлари чорва молларини қишловдан семиз ва соғлом чиқариб, 1947 йилда ҳам чорвачиликни ривожлантиришда катта муваффақиятларни қўлга киритмоқчилар.

Косонда хашак тайёрлаш унутилган

(«Қизил Ўзбекистон»нинг Қашқадар'ё область мухбиридан)

Қашқадар'ё область, Косон районидаги 58 колхознинг ҳаммаси ҳам чорвачилик блан шуғулланади. Районда бу йил 587 минг центнер хашак тайёрланиши лозим. Лекин, шу кунгача фақат 125 минг 295 центнергина хашак тайёрланган. Бу эса, планнинг 21,4 процентини ташкил этади. Хашак тайёрлашда 5048 киши ишлаши керак бўлгани ҳолда, ҳозирги кунда ҳамма колхозларда кўп деганда 1.500 киши ишламоқда.

Алачабоп қишлоқ советида (раиси ўртоқ Хўжаев) 7 та чорвачилик колхози бор. Буларнинг моллари учун 73 минг 637 центнер хашак тайёрлаш керак. Хашак тайёрлашга етарли э'тибор берилмаганлиги ва колхозчилар ўртасида қаттиқ меҳнат интизоми ўрнатилмагани натижасида шу кунгача тайёрланган хашак 15 процентни ҳам ташкил этмайди.

Ҳозир сомон ва янтоқ тайёрлашнинг қизғин пайти. Шу ғанимат кунларда кўп миқдорда сомон ва янтоқ тайёрлаб олиш мумкин. Афсуски, яйловлардаги янтоқ, ғалла майдонларида қолган сомонларни йиғиштириб олиш иши блан ҳеч ким шуғулланмайди. Натижада районда тўпланиши керак бўлган 250 минг центнер сомондан энди 42 минг 518 центнер, 219 минг центнер янтоқдан 57 минг 324 центнер тайёрланди. Сариқ, Узунқудуқ, Мўлоли қишлоқ советларидаги колхозлар бир центнер ҳам сомон ва янтоқ тайёрлаганлари йўқ. Бу қишлоқ советларидаги ғалла майдонларида қолган сомонларни эса, ҳарким ташиб кетмоқда.

Райондаги чорвадор колхозларнинг бир қисм моллари Чироқчи, Қамаши, Китоб районларининг яйловларида боқилмоқда. Бу қўйларнинг қишлик озуқалари учун шу районлардаги ўтлоқ яйловлардан 120 минг центнер хашак тайёрлашга рухсат этилган эди. Аммо, Косон район раҳбарларидан тортиб колхоз раҳбарларигача бу иш блан шуғулланишни эсларига ҳам олмай келадилар ва белгиланган 705 кишини ҳалиги районларга юбормай турадилар.

Л. ҲАМРОЕВ.

ФЕЛЬЕТОН

„Қўйнидан тўкилса—қўнжига“

Ака-ука Ашур Отажонов блан Ҳожиакбар Отажоновлар от миниб кўчага чиқишса, йўлда учраганлар энг аввал қайси бирига салом беришни билмай, шошиб қолади.

Ашур Отажонов «Ўзбекистон» колхозига раис бўлса, Ҳожиакбар Отажонов «Саноат» колхозига раис. Иккови ҳам обрўли, бадавлат йигит. Ака-ука бир-бирига жуда ҳамиятли, меҳрибон.

Яқинда шу икки ака-ука кўркам боғнинг шийпонида ўтириб, ширин-ширин суҳбат бошлашди. Суҳбат охирида Ашур Отажонов кўнглига саёҳат қилиш орзуси тушиб қолганини айтди.

Ҳожиакбар Отажонов сўл қўли блан жиччагина мўйлабини силаб гап бошлади:

— Колхозингиздаги экинлар пишди, териб олинса бас. Ҳарқанча ўйин-кулги энди ярашади. Кўнглингиз ҳохлаган жойга бориб дам олинг. Бир гирдигашт қилиб келинг.

Ашур Отажонов ўйланиб қолди.

— Менку кетавераман-а, колхозининг печатини кимга бериб кетай, ўрнимга кимни раис қилиб кетаман?

— Колхозингиздан одам топилиб қолар, муовинингиз бор, правления а'золари бор.

Ашур ака ўрнидан туриб кетди.

— Ҳаркимга ҳам ишониб бўлмайди. Ҳар нима бўлса ҳам қариндош-уруғлардан бўлса яхши бўлар эди. Гапимга кўнсанг мен келгунча ўзинг раис бўлиб тур.

Ҳожиакбарга жон кирди.

— Акаси ўрнига укаси раис бўлиши Уставга сиғармикан? Унинг устига мен бу колхознинг а'зоси эмасман.

— Қизиқмисан ўзинг. Уёғини ўзим тўғрилайман. Яхши бузоқ икки онани эмади, деган гап бор. Сен мазза қилиб юрасан.

Шу блан суҳбат тугаб, икки ака-ука жийрон от миниб, райкомга қараб кетишди. Тошкент қишлоқ район партия комитетининг кадрлар бўйича секретари ўртоқ Жалилов ўз кабинетида ўтириб, қишлоқ хўжалик артели Уставини варақламоқда эди. Ака-ука узун-қисқа бўлиб кабинетга киришди. Ўртоқ Жалилов ўрнидан туриб уларнинг қўлини сиқиб кўришди.

— Хўш келинглар икки оғайни ботирлар!

— Шундай, арзимаган иш. Каминангиз Москванинг нариёғидаги курортга кетадиган бўлиб қолдилар. Ўрнимга вақтинча раис қилиб укамни қўйиб кетмоқчиман, шунга сиз нима дейсиз?

— Мен нима дер эдим. Жуда соз,—деди Жалилов қўлидаги Уставни варақлай туриб,—яхши ўйлабсиз Ашур ака. Ҳар нима қилса ҳам бир қориндан талашиб тушган укангиз. Қўйнидан тўкилса—қўнжига. Қайтишда Новосибирскдаги дўконларингиздан ҳам хабар олиб келасиз.

Маслаҳат бир жойга қўйилиб, уч биродар тарқалишди. Эртасига «Ўзбекистон» колхозининг самоварида 10—15 «активлар» блан «мажлис» бўлди. Мажлис қатнашчилари, қуйидаги мазмунда «қарор» қабул қилдилар:

«Ашур Отажоновга минг раҳмат. Бу ҳурматли ўртоқнинг раҳбарлигида бошимиз кўкка етди. Шунинг натижасида ўртоқ Отажоновнинг бир ой дам олишга ҳаққи бор. Бу ўртоқ курорт йўлида зерикиб қолмасин учун хушчақчақ йигитлардан Зайниддин Муҳиддинов бирга бориб, йўлда бу кишини хурсанд қилиб юрсин. Буларнинг ҳамма харажати колхоз ҳисобига олинсин. У кишининг укалари Ҳожиакбар Отажонов колхозга раис бўлиб турсин».

Бу мажлисда кўпроқ ваъзхонлик қилган райком секретари Жалилов, Ленин қишлоқ советининг раиси Қодирова ўртоқларга бу қарор жуда ма'қул бўлди. Ҳожиакбар Отажонов енг шимариб ишга тушди. Ашур Отажонов сафарга тайёргарлик кўра бошлади. У, бухгалтер Ғафуровнинг елкасига қоқиб, кассадан 10.000 сўм пул олди. 29 тонна хўл мевани поездга ортиб, Новосибирскдаги дўконга жўнатди. 4 киши скорий поездда Новосибирскка бориб хўл мевани кутиб оладиган бўлди. Колхоз тафтиш комиссиясининг раиси Сулаймонов хўл мевага пойлоқчи бўлиб қизил вагонда кетди.

Ўртоқ Ашур Отажоновнинг курортга кетиши жуда тантанали бўлди. Ўша куни Чиғатой кўчасига сув сепилди. Ўртоқ Отажонов ўтирган машина гуллар блан безатилди. Машинанинг бир томонида мотоцикл, ўнг томонида Ҳожиакбар Отажонов қашқа от чоптириб, Чиғатой гузарини чангитиб ўтиб кетишди.

Поезд жўнаши олдидан ака-ука тўйиб-тўйиб гаплашишди. Ҳожиакбар акасига «хотиржам бўлинг, колхоз Уставини бузишга йўл қўймайман, сиз ўпириб кетган жойларни ўзим шиббалаб қўяман-а» деган мазмунда гапириб, уни хотиржам қилди.

Орадан бир неча кун ўтгач, Новосибирскдан «бозоримиз чаққон» деган телеграмма келди. Шундай қилиб, ўртоқ Ҳожиакбар Отажонов икки колхознинг орасида бўзчининг мокисидек от чоптириб бориб кела бошлади.

✦

Ҳурматли газетхон, бир киши, яна колхоз а'зоси бўлмаган шахс бир вақтда икки колхозга раис бўлиши ақлга ва Уставга тўғри келмаган иш-ку, деб ажаблонарсиз. Ўз укасини ўз ўрнига раис қилиб қолдирган Ашур Отажоновдан бошқа нимани ҳам кутиш мумкин. Аммо, Отажоновнинг бу тадбирини қўллаб-қувватлаган ўртоқ Жалиловга нима деса бўлади?

Ш. КУЗАНБОЕВ.
САЙДАҲМАТ.

Ёзучи Ойбек ижодига бағишланган кеча

Шу йил 19 августда Муқимий номли театрнинг ёзлик биносида ЎзССР Фанлар академиясининг ҳақиқий а'зоси, Сталин мукофоти лауреати, СССР Олий Советининг депутати, орденли шоир ва адиб Ойбекнинг ижодига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди. Партия, совет ва жамоат ташкилотларининг адабий кечага тўпланган вакиллари, шоирлар, ёзувчилар, сан'аткорлар, ўрта ва олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, студентлар талантли, севимли ёзувчи Ойбекни Сталин мукофотининг лауреати деган номга сазовор бўлганлиги муносабати блан самимий табрикладилар.

Адабий кечани ЎзССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ўртоқ И. Султонов очиб, ёзувчи Ойбекнинг ижодий йўли ҳақида қисқача гапирди.

Адабий кечада Ойбекнинг ижодий фаолияти ҳақида ЎзССР Фанлар академиясининг вице-президенти, профессор Т. А. Саримсоқов доклад қилди.

Докладчи, ўзбек совет поэзияси ва прозасини тараққий эттиришда, ўзбек совет адабиётининг Бутун Иттифоқ миқ'ёсида танилишида Ойбек ижодининг муҳим роль ўйнаганлигини кўрсатиб ўтди.

Ойбекнинг 1930 йиллардан сўнг ёзган ше'рлари ўзбек совет поэзиясида юқори ўринни ишғол қилди. Шоирнинг «Комсомол қўшиғи», «Фанга юриш», «Бешйиллик план», «Комсомолка ишчи қизга», «Днепрострой», «Онамни эслаб», «Темир ҳақида», «Ўзбекистон» ва бошқа ше'рлари, «Уч», «Бахтигул ва Соғиндик», «Дилбар—давр қизи» ва «Темирчи Жўракофир» достонлари совет воқи'лигини акс эттирувчи юксак бадиий асарлардир.

Ойбекнинг ўзбек совет прозасини юксалтиришдаги роли тақдирлашга сазовордир. Унинг «Қутлуғ қон», «Навоий» каби романлари ўзбек халқининг ва Совет Иттифоқидаги бошқа халқларнинг диққатини ўзига тортди. «Қутлуғ қон» асаридаги Йўлчи, Гулнор образлари, «Навоий» романидаги Алишер Навоийнинг ўлмас, порлоқ образи, Арслонқул, Дилдор, Султонмурод, Беҳзод каби халқ фарзандларининг кураши, интилиши, орзу-тилакларининг ўткир қалам блан чизиб берилиши совет китобхонларини мамнун қилди. «Навоий» романига Сталин мукофоти берилиш ўзбек адабиётидаги энг катта воқиалардан бири бўлди.

Отоқли адиб, жўшқин ватанпарвар шоир Ойбекнинг Улуғ Ватан уруши йилларида яратган асарлари, оммабоп мақолалари халқимизга, Қизил Армия сафидаги ўзбек жангчиларига руҳий мадад берди. Душманга қарши жангга, мардликка, ғалабага чақирган, «Йигитларга», «Ўлим ёвга» каби ше'рлар ва ўзбек халқининг Ватан ҳимояси учун олиб борган кураш тарихидан олиб ёзилган «Маҳмуд Торобий» операсининг либреттоси халқимизнинг ташаккурига сазовор бўлди. Ўзбек китобхонлари ёзувчининг «Қуёш қораймас» романидан парчалар ўқиди ва бу романнинг тугалланишини кутмоқда.

Адабий кечада, Сталин мукофоти лауреати, шоир Ғафур Ғулом, ЎзССР Маориф министри ўринбосари Ҳ. Турсунов, Ўзбекистон рассомлар союзи раиси Совет Иттифоқининг Қаҳрамони С. Абдуллаев, Ўзбекистон халқ кутубхонаси директори А. Усмонов, ЎзССР халқ артисти СССР Олий Совети депутати Сора Эшонтўраева ва бошқа ўртоқлар адиб Ойбекни табриклаб, келгуси ижодий ишлари учун унга янги муваффақиятлар тиладилар.

ЁШ ТАЛАНТЛАР САҲНАДА

Духоба пардалар очилиши блан, зални улуғвор ғалаба гимни янгратиб юборди. Саҳнада кўриниб турган «Ғалаба» орденининг катта қилиб ишланган шакли, прожектор нурларида яна ҳам гўзал ва улуғвор кўринарди.

Катта маҳорат ва баланд рух блан бу «Ғалаба гимни»ни (Новиков музикаси, Исаковский сўзи) ижро этаётган 50 боланинг тақдири бирхил эмас. Булар назоратсиз ва кўча-кўйда тарбиясиз қолиб кетган, собиқ боқимсиз болалар эдилар. Буларнинг ҳарбири ўз бошидан жуда кўп қийинчиликларни кечириб, оғир ҳаёт йўлини босиб ўтган.

Шу йилнинг 13 ва 14 август кунлари Ўзбекистон Ички ишлар министрлиги клубида республика меҳнат колонияларида тарбияланаётган болаларнинг бадиий ҳаваскорлигига республика кўриги ўтди. Кўрикка Ўзбекистон Ички ишлар министрлиги қарамоғидаги биринчи сон меҳнат колонияси ва бошқа колонияларнинг ашула ва рақс ансамбльлари қатнашдилар.

Кўрикнинг дастлабки куни биринчи колониянинг рақс ва ашула ансамбли концерт берди. Концертда ансамбльнинг ижодий коллективи «Биз сталинчилармиз» (Манелис музикаси, Зайцев сўзи), «Совет Иттифоқи пионерларининг қўшиғи»ни (Чернецкий музикаси, Сергей Михалков сўзи) ижро этди. Шундан кейин ансамбльнинг ўзбек группаси ўзбек халқ куйларидан концерт берди.

Зални тўлдириб ўлтирган томошабинлар, колониянинг қўғирчоқ театри спектаклини самимий олқишладилар. Қўғирчоқ театри Вазнесенскийнинг «Адолатли Аҳмад» деган пьесасини қўйиб берди. Шунингдек колониянинг духовой ва халқ чолғу асбоблари ансамбли ҳам кўрикда катта муваффақият қозонди.

Кўрикнинг иккинчи кунида иккинчи колониянинг бадиий ҳаваскорлик тўгараги З. Сулаймонованинг «Дўлонча» деган адабий-музикали монтажини кўрсатди. Колхоз ҳаётини ифодаловчи бу монтажнинг бош рольларини тарбияланувчилардан Нурмуҳамедов ва Кашанбоевлар ижро этдилар.

Улар ўз концертларини улуғ Сталинга бағишланган монтаж блан бошладилар. Бундан бошқа, тарбияланувчилардан Белякова, Виктор Иванов, Семёновалар рус халқ қўшиқ ва рақсларини ижро этдилар.

Концертда ўртоқ Хўжаев бошлиқ ўзбек ёш ҳаваскорлар тўгараги ҳамманинг диққатини ўзига жалб қилди. Айниқса, томошабинлар хоразм, рус, венгер, турк ва ўзбек рақсларини яхши бажарган Камолова, Абдуллаева ва Кароматхон Хўжаеваларни, шунингдек ўзбек группасининг ижро этган ашула, рақсларини самимий олқишладилар.

Республикадаги меҳнат тарбия колонияларининг кўриги уюшқоқлик ва муваффақият блан ўтди.

С. АБДУҚАҲҲОРОВ.

Эстрада сан'атимизни янада ривожлантирайлик

Яқинда Москвада эстрада артистларининг Бутун Иттифоқ конкурси бўлиб ўтди. Бу конкурс эстрада сан'атининг айниқса хореография ва акробатика-рақс жанрлари кейинги йилларда анча тараққий топганлигини намойиш қилди.

Конкурсда Совет Иттифоқидаги турли республикалардан келган 168 та эстрада артисти қатнашиб, шулардан 4 артист 1-нчи даража, 7 артист 2-нчи даража лауреат унвонини ва бир талай артистлар фахрий диплом олишга сазовор бўлдилар.

2-нчи даража лауреат деган унвон олган артистлар орасида Ўзбек давлат опера ва балет театрининг артисти Г. Исмоилова ҳам бор.

Эстрада артистлари Бутун Иттифоқ конкурсининг жюри а'зоси, Сталин мукофоти лауреати, ЎзССР халқ артисти Тамарахоним конкурс якунлари ҳақида бундай деди:

— Конкурс қатнашчилари орасида Ўзбекистондан келган эстрада артистлари сон жиҳатидан ҳам (салкам 20 киши), конкурсда кўрсатган маҳоратлари жиҳатидан ҳам кучли группалардан бири сифатида томошабинларга ўзларини танитдилар.

Конкурсга қатнашган артистларимиздан, рақс сан'ати тобора ўсаётган, исте'додли ёш артист Г. Исмоилова ўзининг ажойиб ўйинларини, айниқса Бухоро халқ рақслари асосида саҳналаштирилган «Занг»ни ўзига хос ҳусн, эҳтирос, табиий соддалик ва нафосат блан ижро этиши натижасида, Москва томошабинларининг олқишларига ва жюрининг юқори баҳосига муяссар бўлди.

Исмоилова, эндигина 23 ёшга кирган ёш артист. У 12 яшар қизча эканида Тошкентдаги балет мактабига ўқишга кириб, бу ерда балетшунослардан Евгения Обухова раҳбарлигида тарбия олди. Г. Исмоилова 1941 йилда Ўзбек давлат опера ва балет театрига ишга кириб, бу ерда С. Василенконинг «Оқ билак» балетидаги «Семурғ қуш» ролини муваффақият блан ижро этди ва ўзбек халқ ашулаларини чуқур ўрганишда давом этди.

Конкурсда ёш артистларимиздан Турсуной Маҳмудова (раққоса), Роза Бағланова (ашулачи) ўртоқлар конкурс жюрисидан фахрий диплом олиш шарафига эришдилар. Шунингдек, лапарчиларимиздан хоразмли Ўғилжон Машарипова ва Ҳакимова, раққосалардан Тамара Литвинова (Муқимий номли театрнинг артисти), Раиса Хожисаидова (Янгийўл театрининг артисти), музикачилардан Содиқов, Абдураззоқов, Ғафуржон Азимов, Сафо Боқоев ўртоқлар ўзбек халқ сан'атини ҳар тарафлама чуқур ўрганиш ва эгаллаш соҳасида анчагина ютуқларга эга бўлганликларини кўрсатдилар.

— Броқ, — деди Тамарахоним, — конкурс, эстрада сан'атини янада ривожлантириш учун ҳали қунт блан ишлашимиз кераклигини, бу соҳада жиддий камчиликлар ҳануз борлигини аниқ кўрсатиб берди. Бизда шу вақтгача шоир ва адибларимизнинг асарларини саҳнага чиқиб, томошабинни тамомила қойил ва мафтун қиладиган даражада ўқиб берадиган декламацичилар, артистларнинг саҳнага чиқиши олдидан, чинакам маданий ва айни замонда, юракка та'сир қиладиган ма'нодор сўзлар блан томошабинлар блан суҳбат қиладиган профессионал конферансьелар камдан-кам. Халқимиз ичида ҳақиқий талант эгалари кўп. Ишга астойдил бел боғлаб киришилса, бу табиий талант эгаларини қидириб топиш, эстрада сан'атимизнинг барча жанрларини юксак поғонага кўтариш учун бизда барча имконият ва шароитлар бор.

Гап — бу кенг шароит ва имкониятлардан тўғри фойдалана билишда қолган.

М. УСМОН.

Янги ўқув йилига тайёргарлик. Тошкент босмахоналарида Ўзбекистондаги ўрта мактаблар учун кўплаб дарсликлар тайёрланаётир. Суратда: 1-нчи босмахонада зоологиядан ўзбек тилида босилган дарсликлар кўздан кечирилмоқда.

М. Пенсон фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЁШ ОЛИМЛАРИМИЗ

МОҲИР ХИРУРГ

1932 йил кузида Тошкент медицина институтини бир гуруҳ студентлар тамомлаб чиқди. Врач номини олган шу йигитлар орасида Карим Тоҳиров ҳам бор эди.

Каримжон болалик давридаёқ ариқдаги қурбақаларнинг та'зирини бериб, қоринларини ёриб юрганидан, унинг номини ҳамма «қассоб» қўйган. Эҳтимол, шу ишқибозлиги орқасидами, ё бошқа сабаб блан, ҳар ҳолда Каримжон хирург бўлишни орзу қилиб, профессор М. С. Астров клиникасида аспирант бўлди. Институтда 10 йил хизмат, тинмай ўқиш, янгилик қидириш оқибатида—1938 йилда медицина фанлари кандидати деган биринчи илмий даражани олишга муяссар бўлди.

Хирург Тоҳиров болаларда бўладиган бўқоқ безини синчиклаб ўрганди ва шу соҳада каттагина илмий асар яратди.

Совет ҳокимияти даврида савод чиқариб ма'лумот олган ва ёш олим бўлиб етишган Тоҳиров большевиклар партияси сафига кирди. У, Москва ва Ленинград шаҳарларига илмий командировкага борди. Машҳур совет олимларидан академик Бурденко, Вишневскийлар қўл остида бирнеча йил ишлади. Бу олимларнинг бой тажрибасидан ўрганди. Шундай қилиб, назарий жиҳатдан пишиқ ва катта тажриба ортдирган Карим Тоҳиров Тошкентга қайтиб, Ўзбекистонда янги ёш хирурглар тайёрлашга киришди. У Қорақалпоғистон АССР да кўп беморларни даволади ва соғлиқни сақлаш ишларига раҳбарлик қилди.

Улуғ Ватан уруши бошланиши блан Тоҳиров фронтга жўнади. Ҳаракатдаги дивизиянинг бош хирурги бўлиб, яраланган жангчи ва командирларнинг ҳаётини сақлаб қолди. Унинг кўкрагидаги орден ва медальлар фронтдаги хизматларига гувоҳдир. 1945 йилда ҳукумат ўртоқ Тоҳировнинг халқ олдидаги хизматларини тақдирлаб, унга ЎзССР да хизмат кўрсатган врач унвонини берди. Касалларни даволашда янги усуллар топгани, хирургия соҳасида ажойиб ютуқлари учун у «Ҳурмат Белгиси» ордени блан мукофотланди.

* * *

Яқингинада Тошкент медицина институтининг клиникасига юрагидан пичоқ еган бемор келди. Унинг аҳволи жуда оғир, бирнеча минутдан сўнг у ҳаётдан ажраши мумкин эди. Хирург Тоҳиров моҳирлик блан чора кўра бошлади. Операция столига ётқизилган беморнинг жароҳатланган юраги ўткир чевардек чаққонлик блан тикилди. Ҳозир бемор соғайиб, ўз ишини давом эттирмоқда.

Карим Тоҳировнинг қўлидан тузалиб чиққан, ўлимдан қутқазиб қолинган кишилар жуда кўп. Қаери оғришини тили блан айтолмайдиган чақалоқларни, бели букчайиб қолган қарияларни операция қилган хирург шу кунларда Тошкент медицина институтининг биринчи хирургия клиникасида доцент вазифасини ўтамоқда.

Тоҳировнинг уйидаги телефон тез-тез жиринглаб туради. Кечасими, тонг отардами—қай вақтда бўлмасин Тоҳиров энг қийин операцияларга чақирилади. Ўз касбига муҳаббат қўйган, кун сайин ўсаётган бу ёш олим кўплаб ёш хирургларни тарбиялаб етиштирди. Ҳозир доцент Тоҳиров институтда, аспирантурада дарс беришдан ташқари ўзи ҳам докторлик диссертацияси устида қунт блан ишламоқда.

Ж. МАХСУМОВ.

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРНИНГ ОИЛАЛАРИГА ҒАМХЎРЛИК

Тошкент қишлоқ район Ворошилов номли колхозда (раиси ўртоқ Раҳмон Комилов) ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига жуда яхши ғамхўрлик қилинмоқда.

Колхоздаги 24 та ҳарбий хизматчининг оиласи 24 сажин ўтин, бир аравадан шох, 10 метрдан газмол, 50 килограммдан дон, 100 килограммдан картошка ва 30 килограммдан туз блан та'мин этилди. Ҳарбий хизматчи оилаларининг томорқаларига колхоз ҳисобидан буғдой экиб берилган эди. Буғдой ўриб олингач, ўрнига жўхори экиб берилди.

Икки ўғли Қизил Армия сафида хизмат қилаётган 60 яшар Саломат Муталова ва Қамбар Ҳакимовалар колхоз қуриб берган уйга кўчиб чиқдилар. Ҳарбий хизматчиларнинг оилаларидан яна 7 кишига уй солиб берилмоқда.

Эри Қизил Армия сафида хизмат қилаётган Маҳбуба Толиповага ҳам колхоз яхши ғамхўрлик қилмоқда. Унинг тўрт боласи учун усти-бош, рўзғорига 2 кўрпа ва бир намат берилди.

Яқинда ҳарбий хизматдан қайтиб келган Жўра Ортиқов ва Қутбиддин Ҳакимовлар келган кунларидаёқ 1000 сўмдан пул, бир сажиндан ўтин, 50 килограммдан қовун ва ҳархил сабзавот блан та'мин этилдилар.

Ҳозир ҳарбий хизматчиларнинг уйларига электр тушириб берилмоқда.

Салимжон МАҲКАМОВ.

Анор-анжир боғларимиз э'тибордан четда қолмасин

Ма'лумки, анор хушхўр ва ҳамма учун тансиқ мева бўлишидан ташқари, ундан кўп касалларга шифо бўладиган дорилар ясалади. Анор пўстида 28 процентгача бўёқ модда; анор дарахти, илдизи пўстлоғида кўп миқдор алколоид моддаси борки, булардан одам кушандаси бўлган гижжа ва бошқа кўп касалликларни тузатиш учун дори ясалади.

Анор-анжирнинг асли ватани Эрон ва Афғонистон бўлиб, Европа мамлакатларидан Испания, Италияда кўп экилади. СССР да эса, Озарбайжон ССР да бизда—Ўзбекистонда ўстирилади.

Анор-анжир кўпинча сизот сувлари бўлмаган қора тупроқли серхосил ерларда яхши ўсиб қаламчаси экилгандан кейин 5-7 йил ичида ҳосилга киради. Бу мевалар ҳам худди токка ўхшаш қаламча ва пархиш усулида экиб кўпайтирилади.

1945 йилда олинган ма'лумотларга қараганда, Ўзбекистонда ҳаммаси бўлиб 41,5 минг туп анор ва анжир бўлиб, ҳар йили булардан ўртача 100 тоннага яқин анор, анжир олинади. Броқ, бу миқдор мева мамлакатимиз аҳолиси учун дар'ёдан бир қатра каби жуда оздир.

ЎзССР Ер ишлари министрлиги деҳқончиликнинг бу тармоғини ҳам ривожлантириш юзасидан ба'зибир чоралар кўрган бўлса ҳам, лекин тегишли натижага эга бўлинмади.

Министрликнинг мевачилик бошқармаси томонидан тузилиб жойларга юборилган анор-анжир кўчатзорини ташкил этиш плани бу йил фақат 10 процент бажарилди. План Фарғона областидагина 50 процент бажарилиб, бошқа областьларда кўчатчилик ишига э'тибор этилмади. Табиий, бу ҳол бундан кейинги йилларда анор-анжирзор боғлар ташкил этишга ҳам ёмон та'сир қилади.

Бу йил анор-анжир боғларини ташкил этиш планининг бажарилиши ҳам яхши эмас. Фарғона, Наманган областьларини ҳисобга олмаганда бошқа областьларнинг ҳаммасида анор-анжир экиш плани бажарилмади. Ҳатто бу экин учун энг мувофиқ бўлган Қашқадар'ё, Сурхондар'ё каби областьларда анор-анжир боғлари очиш тўғрисида ўйлаб ҳам кўрилмади.

Ўзбекистоннинг энг тансиқ меваси ҳисобланган анор ва анжир боғларини ҳарбир колхозда, айниқса Наманган, Қашқадар'ё, Сурхондар'ё областьларидаги колхозларда ташкил этиш керак. Қишлоқ хўжалигининг бу муҳим тармоғини ривожлантириб, колхоз бу йўл блан ҳам давлатига давлат қўшмоғи лозим.

Анор-анжирларнинг энг яхши нав'ларини танлаб кўпайтириш, бошқа янги нав'лар чиқариш соҳасида Денов тажриба станцияси бир неча йилдан бери иш олиб бормоқда. Бу станцияда, шунингдек Самарқанддаги мевачилик станциясида ва Тошкент ёнидаги академик Шредер номли мевачилик-тажриба станциясида анор-анжирларнинг энг яхши нав'ларидан кўчатзор ташкил этилган. Бундан ташқари Ўзбекистондаги кўчатчилик колхозларида ҳам анор-анжир кўчатлари етиштирилмоқда. Броқ, станциялар ва ҳозирги мавжуд кўчатзорлар анор-анжир кўчатига бўлган талабни мутлақо қондира олмайди. Хўжаликнинг бу соҳасини ҳам ривожлантириш учун биринчи навбатда кўчатзор ташкил этмоқ керак. Кўчатзорга экиладиган қаламчани юқорида кўрсатилган станциялардан ва ҳарбир райондаги мавжуд анор-анжир боғларидан олиш мумкин. Бир гектар кўчатзорга 80 минг дона қаламча, бир гектар анорзор ташкил этиш учун 600 дона, анжирзор учун—500 дона кўчат керак бўлади. Шу ҳисобга кўра, ҳар бир колхоз анор-анжир боғларини ташкил этиш планини тузиб, бу соҳани ҳам ривожлантириш ишига киришмоғи керак. Бу ишга область ва район ер бўлимлари бевосита раҳбарлик қилиб, Ер ишлари министрлиги боғчилик планининг сўзсиз бажарилишига эришмоқлари зарур.

Агроном **С. ШАРАФИДДИНОВ.**

БИБЛИОГРАФИЯ

Илғор колхоз тўғрисида китоб *)

Янгийўл район, Шўралисой қишлоқ советидаги Каганович номли колхоз республикамизнинг энг илғор колхозларидан биридир. Дарҳақиқат, колхоз пахтачиликни юксалтиришда ажойиб ютуқларга эришиб, бошқаларга ўрнак бўлди.

Каганович номли колхоз эришган ютуқларнинг сири қаерда? Унинг бошқаларга ўрнак бўладиган хусусиятлари нималардан иборат? Ўзбекистон давлат нашриёти ана шундай саволларни жавобсиз қолдирмаслик учун мазкур колхознинг иш тажрибалари ҳақида алоҳида китоб чиқариб, жуда соз иш қилди. Мазкур китобни ўқир экансиз, коллективлашган деҳқончиликнинг бутун фазилатлари кўз олдингизда намоён бўлади.

Даставвал колхознинг ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамланиш йўлига назар ташлайлик. Бу колхоз 1930 йилда ташкил топиб, 1936 йилгача «Бирлашув» деган ном блан юрди. Кейин ёнидаги колхоз блан қўшилиб, унга Каганович номи берилди.

Колхоз оз меҳнат сарф қилиб кўп унум олишга имкон берадиган илғор агрономия усулларидан дадил фойдаланди ва деҳқончилик ишларини кенг миқ'ёсда машиналаштирди. Колхозчилар машиналардан тобора кенг равишда фойдаланиб, меҳнат унумини борган сари оширишга ва қишлоқ хўжалик ишларининг сифатини яхшилашга муваффақ бўлдилар.

Колхознинг иккинчи хусусияти шундаки, у ўзининг жамоат хўжалигини ҳартарафлама ривожлантириш йўлида тинмасдан ишлади. Жумладан, қақраб ётган ерларга сув чиқарилиб, пахта майдони кенгайтирилди.

Ҳарбир колхозда алмашлаб экиш катта роль ўйнайди. Бунда пахта майдонларига ма'лум йиллардан кейин беда экиб турилади, натижада ер кучайиб, унуми ошади.

Хўжаликнинг бошқа соҳаларини ривожлантириш асосий соҳа бўлмиш пахтачиликка халал бермай, уни янада юксалтириш учун қулай замин туғдирди. Алмашлаб экиш орқасида далаларнинг ҳосилдорлиги оширилди. Беда ва ғалла экиб туриш блан бирга табиий яйловлардан фойдаланиш чорвачиликни кенгайтиришга имкон берди. Чорвачилик қанча юксалтирилса, далаларни ўғитлаш учун кетадиган гўнг ҳам шунча кўп бўлади.

Китоб автори Каганович номли колхозда пахта ҳосилининг муттасил оша борганлигини рақамлар блан кўрсатади: 1935 йилда ҳар гектардан 8,8 центнер пахта олинган бўлса, 1936 йилда ҳосил 26,8 центнерга, 1941 йилда 38,2 центнерга етди. 1945 йилда эса, ҳар гектардан ўрта ҳисоб блан 48 центнергача ҳосил олинди. Бу 1935 йилдагига қараганда 5,5 марта ортиқдир.

1943 йилги ма'лумотларга қараганда, Каганович номли колхозда 81 хонадон, шу жумладан меҳнатга яроқли 280 та кекса ва ўспирин бўлган. Фронтга кетган азаматларнинг ишини уларнинг оила а'золари бажарди. Меҳнатга яроқли ҳарбир колхозчи тинмай ишлаб, меҳнат унуми тобора ошди. Бу эса, колхознинг катта ютуқларга эришуви учун ёрдам берди. Колхознинг раиси ўртоқ Ҳамроқул Турсунқулов: «Пахтадан юқори ҳосил олишнинг сири ғўза устида тинмай, зўр бериб ишлашда» дейди.

Каганович номли колхозда умумлаштирилган хўжаликка энг кўп аҳамият берилади, колхозчиларнинг хусусий хўжаликлари эса, иқтисодий жиҳатдан кундан-кунга ўз аҳамиятини йўқотаборади. Хусусий хўжаликлардан келадиган даромад умумлаштирилган хўжаликдан олинаётган даромадга таққослаб кўрилса, дар'ёдан бир томчига ўхшаб қолади. Масалан, колхознинг пул даромади 1937 йилда 1,6 миллион сўмни ташкил қилган бўлса, 1945 йилда тахминан 10 миллион сўмга етди. 1940 йилда ҳар меҳнат кунига тахминан 15 сўмдан пул берилган бўлса, 1945 йилда бу 45 сўмга етди.

Автор колхознинг ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамланиш йўлини баён қилгач, доимий далачилик бригадалари ва звеноларнинг ташкил қилиниши, пахта ҳосилини планлаштириб, агротехника тажрибаси, пахта етиштириш юзасидан кузги-қишки ишларни уюштириш, ерни экишдан олдин ишлаш ва чигит экиш, ғўза парвариши каби масалаларни ёритиб, колхознинг ютуқларини ва мазкур ютуқларнинг келиб чиқиш сабабларини кўрсатиб берган.

Колхозда бедачилик, пахтакорлик, чорвачилик, пиллачилик соҳаларининг ривожланиши, даромад тақсимоти, колхозчиларнинг меҳнатига асосий ва қўшимча ҳақ тўлаш, колхознинг жамоат мулки, колхоз демократиясининг ривожланиши каби масалалар ҳам китобдан катта ўрин олган.

Хуллас, Каганович номли колхознинг бошқа колхозларга ибрат бўларлик иш тажрибаси озми-кўпми муваффақият блан баён этилган. Республикамиздаги пахтакор колхозлар ва уларнинг а'золари бу китобни ўқиб, ундан ўрнак олишлари керак.

Р. ВАЛИ.

ИЛМИЙ-ОҚАРТУВ МАВЗУ'ЛАРИДА

„Учар юлдуз“лар нима?

Осмонда юлдузларнинг учишини ҳамма кўрган. Ба'зан осмонда катта «шу'лали шар» учгани кўринади. Бу вақтда қоронғу кечалар ёришиб кетади. Бир неча ўн йиллар ичида ҳатто уларни кундузлари ҳам кўриш мумкин. Учар юлдузлар ба'зан кишиларни ваҳимага ҳам солган. Бир кузатувчи шундай деб ёзади:

«Қоронғу кечаси эди. Ҳаво тиниқ. Мен бир ўртоғим блан ўрмонзор бўйлаб кетаётган эдим. Осмон бирдан ёришиб кетди. Ёришиш шундай кучли бўлдики, ҳатто пишиб турган қулибнайлар ҳам равшан кўринади. Яна қоронғилиқ босди. Икки минут чамасидан сўнг, шундай қарсиллаган товуш эшитилдики, ёнимдаги шеригим саросимага тушиб қолди».

Юлдузлар учиши тўғрисида турли халқда турлича диний қарашлар вужудга келди. Уларнинг ба'зилари: кишининг жони узулиши блан унинг осмондаги юлдузи ҳам учиб кетади, иккинчилари: осмонда фаришталар қиличбозлик қилганларида, қиличлари кўриниб қолади, учинчилари: ҳарбир бола туғилганида унга атаб, осмонда олтин ип тақилган бўлади, у ўлиши блан бу олтин ип узилади ва бу пайт бизга кўринади ва ҳоказо деб «изоҳлаш»га уриниб келдилар.

Қадимги юнон файласуфи Аристотель юлдузлар учиш ҳодисасини ҳовага кўтарилган газларни осмон гумбози деворларига тегиб ёришишидир, деб ўйлаган.

Хўш ҳақиқатан ҳам бу учиб кўринган нарсалар юлдузлармi ёки газларнинг ёришиб кўринишими? Биз бунга ҳеч шак-шубҳасиз, йўқ деб жавоб берамиз. Осмондаги бу учган нарсаларнинг юлдузларга ва кўтарилган газларга ҳечқандай алоқаси йўқ.

Оламдаги саноқсиз кўп юлдузлардан бири бўлган Қуёш атрофида планеталар ва кометалардан ташқари яна метеорлар деб аталучи жисмлар ҳам айланадилар. Метеорлар қаттиқ жисмлар бўлиб, уларнинг катталиги бир дона чангдан тортиб бир неча метр эндаги харсангларга тенгдир. Қуёш атрофида айланучи метеорлар сони гоят кўп. Ер ҳам, метеор ҳам қуёш атрофида ўзларининг ҳаракат йўлларида бир-бири блан тўқнашади. Бунинг устига яна оламнинг узоқ томонларидан, Қуёш системасига алоқаси бўлмаган жойлардан келучи галактиқ метеорлар ҳам ўз йўлларида ҳаракат қилиб, ўтиб кетаётганларида бизнинг Еримиз блан учрашиб қоладилар. Аммо, метеорлар Ерга тушишлари учун аввало ер сиртидаги ҳавони (атмосферани) ўтишлари керак. Секундига 200 километргача тезлик блан келаётган метеор (бу тезлик ўқ тезлигидан 200 марта ортиқ!) ҳаво ичидан ўтаётганида унинг заррачаларига уриниб боради ва ниҳоят қизишиб келаётган метеор Ер сиртига 180—90 километрлар қолганида ёна бошлайди. Ҳалиги айтилган «учар юлдуз»лар фазодаги харсанг тошларнинг Ер ҳавоси гирдобига буюк тезлик блан киришлари натижасида ёниб кетаётган пайтларидаги кўринишидир. Шундай қилиб, метеорлар ўз ҳаётларининг охирги дақиқаларидагина бизга кўринадилар.

Метеорларнинг кўрина бошлаш пайтларини икки шаҳардан кузатиб, уларнинг қандай баландликда кўринганликларини билиш мумкин. XII асрда яшаган машҳур ўзбек астрономи ва математиги Алфарғоний метеор кўрина бошлаш пайтини икки шаҳардан кузатиб, у шаҳарларнинг вақт фарқларини ҳисобга олгани ҳолда, бу икки шаҳарнинг оралиги қанча километр эканини аниқлаш мумкинлигини биринчи марта кўрсатган. Бу усулдан фанда бир неча асрлар давомида фойдаланиб келинган.

Якка-якка метеорлардан бошқа осмонда гала-гала бўлиб юручи метеорлар ҳам бор. Уларнинг йўли галалашиб бир томонга кетучи чумолилар изига ўхшайди. Ер Қуёш атрофида ҳаракат қилаётганида, бундай йўлларнинг ба'зиларини кесиб ўтади. Зич бўлган метеорлар галаларининг оралиғидан Еримиз ўтиб боришида, метеорлар кетма-кет кўриниб туради. Зич метеорлар галалари йўллари бир нечта. Ҳар галанинг йўли бошқа-бошқа. Еримиз ҳар йили август ойида метеорлар галаларидан бирини кесиб ўтади. Шунинг учун бу кунлари метеорлар кўриниши ёки халқ тили блан айтганда «юлдузлар учиши» кўп бўлади.

Ёниб кул ҳолига айланишга улгуролмаган метеорлар Ерга тушадилар ва улар метеоритлар дейилади. Кул ҳолида тушганларини биз сезишимиз қийин. Африканинг Гоба шаҳридаги метеорит Ерга тушган метеоритларнинг энг каттаси бўлиб, оғирлиги 60 тоннадир.

Метеоритларнинг Ерга тушиши натижасида Ер ўз оғирлиги ва ҳажмини ортдира боради. Ўрта ҳисоб блан ҳар йили Ерга осмондан 3,5 минг тонна метеор куллари ва метеоритлар тушади.

Метеоритларни химиявий текширганда ма'лум бўлдики, осмондан тушган бу жисм таркибидаги элементларнинг ҳаммаси Еримизда бор. Бу нарса оламдаги барча жисмларнинг таркиби бир хил ва келиб чиқиш асоси битта деган материалистик қарашни қувватлайди.

Ф. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

---

*) Н. Г. Сапильников. Каганович номли колхознинг иш тажрибаси Ўздавнашр 1946 йил. 84 бет. Баҳоси 2 сўм 50 тийин.

ПАРИЖ СУЛҲ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА

ПАРИЖ, 19 август (**ТАСС махсус мухбиридан**). Сулҳ шартномалари лойиҳаларини ўрганиш учун Сулҳ Конференцияси ташкил этган комиссиялар бугун эрталабданоқ ишладилар. Мажлисларда комиссияларнинг иш тартиби муҳокама қилинди.

ИТАЛИЯГА ДОИР ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАРНИ ҚЎРУЧИ КОМИССИЯДА

Италияга доир иқтисодий масалаларни кўручи комиссиянинг ишида 20 делегациянинг вакиллари қатнашди. Совет делегациясидан Вишинский ва Арутюнян иштирок қилди. Комиссия Италия блан тузиладиган сулҳ шартномасининг моддаларини муҳокама қилиш тартибини қараб чиқди.

Совет делегациясининг таклифига мувофиқ, сулҳ шартномаси лойиҳасининг асосан иқтисодий масалаларга доир бўлган бобларидаги моддаларни бирин-кетин қараб чиқишга қарор қилинди.

Тузатишлар киргизиш тартиби тўғрисидаги масала ва сулҳ шартномаси лойиҳасидаги, иқтисодий моддалар юзасидан Италия делегациясининг мулоҳазаларини эшитиш тартиби тўғрисидаги масала қараб чиқилди. Комиссия Италия делегациясига ўз мулоҳазаларини кўрсатиб, ёзма шаклда баёнот топширишни таклиф этди. Бундан ташқари, зарурат бўлган тақдирда, комиссия мажлисларида Италия делегациясининг чиқиб сўзлашига руҳсат берилди.

Комиссия раиси Борнинг (Ҳиндистон) кичик комитетлар тузиш тўғрисидаги таклифи юзасидан кенг фикр алмашинди. Комиссия раиси энг мураккаб масалаларни даставвал қараб чиқиш ва докладлар тайёрлаш учун кичик комитетлар тузишни таклиф қилди. Жумладан, у репарациялар (товон) тўғрисидаги масалани даставвал муҳокама қилиш учун шундай кичик комитет тузишни таклиф этди. Комиссия а'золарининг кўпчилиги бу таклифни мақбул деб топмади.

Австралия, СССР, Франция, Жанубий Африка Иттифоқи ва бошқа мамлакатларнинг вакиллари раиснинг кичик комитетлар тузиш юзасидан таклиф қилган тартибига қарши э'тироз билдирдилар.

Комиссия а'золари фикр алмашингандан кейин бир қарорга келиб, Америка Қўшма Штатлари делегациясининг, кичик комитетлар сулҳ шартномаси лойиҳасидаги конкрет моддаларни қараб чиқиш давомида зарурат бўлишига қараб тузилади, деган таклифини қабул қилди.

◆

Италия блан тузиладиган сулҳ шартномаси лойиҳасини кўручи комиссия иш бошлаши муносабати блан Италия делегациясининг а'золари ва улар блан бирга келган кишиларнинг Парижда фаол ҳаракат қилаётганликларини айтиб ўтишга тўғри келади.

Италия делегацияси бугун Конференция а'золарига ва матбуот вакилларига тарқатилган баёнотида Италия блан тузиладиган сулҳ шартномаси лойиҳасининг кириш қисмига қизиқ тузатишлар киргизади. Италия делегацияси лойиҳанинг кириш қисмида Италиянинг сўзсиз таслим бўлганлигини эслатиб ўтмасликни таклиф қилади. Бошқа тузатишлар ҳам шу руҳда тузилган.

Шуни айтиш керакки, Римдан Италия делегацияси блан бирга келган ходимлар ўртасида яқин ўтмишда актив фашист бўлган кишилар ҳам бор. Масалан, булар орасида «Иль глобо» газетасининг мухбири журналист Барзинини кўрсатиш мумкин. Бу одам немислар блан ҳамкорлик қилган эди. Энди унга Сулҳ Конференциясининг ишлари тўғрисида Италия афкор оммасини хабардор қилиш вазифаси топширилган!

Италия техника делегациясининг раҳбари Беттиоле расмий вакиллар келишидан аввал Парижга келган: бу ҳол унга мухбирлар блан қилган суҳбатида Италия расмий делегациясининг «авангардиман» деб айтишга асос берган. Беттиоле шу суҳбатида, Конференция Триест ва Италия-Югославия чегараси тўғрисидаги масала юзасидан Ташқи Ишлар Министрлари Кенгашининг чиқарган қарорига қўшилса, у ҳолда «200 минг итальян темир парданинг нариги томонида қолади ва Италияга коммунистлар та'сирининг кучайиши учун кенг йўл очилади» деб мухбирларни қўрқитган. Италия делегациясининг ана шу «авангарди» ғарбдаги давлатларга хушомад қилиб, бундай деган: «агар таклиф этилган шартлар Италияга мажбуран қабул қилдирилса, бизлар озодлик ва демократиянинг илғор мамлакати сифатида ғарбий давлатлар учун фойдасиз бўламиз деб хавфсирайман. Биз шарқнинг танҳо ҳукмронлик қилишига қаршилик кўрсатолмай қоламиз ва, эфтидан, темир парда Альпдан ғарбга томон кўчса керак».

Фашизм руҳидаги бу гапларни Париждаги Италия делегациясида бўлган расмий киши айтдики, бу ҳол мазкур делегациянинг состави кимлардан иборат эканлигини кўрсатади.

Францияда чиқадиган газеталарнинг бирқанчаси Италия делегациясининг ишларидан кескин норозилик билдирмоқдалар ва шу муносабат блан де Гасперининг Конференция ялпи мажлисида сўзлаган нутқини эсга олмоқдалар. «Марсейез» номли ҳафталик газета бошмақоласида қуйидагиларни ёзади: «Барча француз журналистлари ана шу шовқин-суронли нутқни зўр э'тибор блан, ташвишланиб кутар эдилар. Бизларнинг ҳаммамиз Италия бош министрининг нутқи қай тарзда бўлади ва айниқса у душман бўлмиш итальян ва герман фашистларидан қурол ёрдами блан тортиб олинган француз саройида гапираётганлигини эсида тутадими, деб ўз-ўзимизга савол бердик. Аммо, бу нутқ бизни жуда ҳафа қилди ва биз тинчлик саройидан ғазабланиб чиқиб кетдик. Биз Халқаро Конференцияга келган кишидан бошқа нарсани кутар эдик, я'ни сўнгги йилларда Европада бўлиб ўтган қонли воқиалар учун қаттиқ жавобгар бўлган ўз мамлакатининг аҳволини сўзлаб беришини кутар эдик».

Парижда чиқадиган «Аксьон» деган ҳафталик газета де Гасперининг нутқини хавфли нутқ деб атайди. «Аксьон» Париждаги Италия вакилларининг активлиги ва состави ҳақида ёзиб, шундай савол беради: «Де Гаспери партиясининг сиёсий мақсадларидан бири Италия давлат тузумини кескин суратда ўзгартирмаслик ниятида фашизмнинг му'тадил унсурларини ўз лавозимларида сақлаб қолишдан иборат эмасми. Италия делегациясининг «техника» вакиллари — иқтисодчилар ва дипломатлар антифашистлар орасидан эмас, балки шимолдаги йирик саноатчилар ҳамда фашизм даврида хизмат қилган профессионал дипломатлар орасидан танлаб олинган. Италия вакили бўлмиш де Гаспери Италияни янги мамлакат, деб да'во қилади. Италия шундай янги мамлакат бўлганида, де Гасперининг келтирган далиллари катта э'тиборга сазовор бўлур эди».

ФИНЛЯНДИЯ БЛАН ТУЗИЛАДИГАН СУЛҲ ШАРТНОМАСИ КОМИССИЯСИДА

Финляндия блан тузиладиган сулҳ шартномаси лойиҳасидаги сиёсий моддалар ва территория ҳақидаги моддаларни кўручи комиссия мажлисида ҳам иш тартибини белгилаш масаласи муҳокама қилинди. Комиссия ишларида СССР делегациясидан совет делегациясининг а'золари К. Новиков ва Эстония ташқи ишлар министри Крусс қатнашди.

К. Новиков, Финляндия блан тузиладиган сулҳ шартномасининг кириш қисмини ҳозирданоқ муҳокама қила бошлаш мумкин бўлур эди, сўнгра, агар вақт бўлса, шартномани моддама-модда муҳокама қилишга киришиш мумкин бўлур эди, деди. Украина, Чехословакия ва Белоруссия вакиллари Совет вакилининг таклифини қувватладилар. Канада, Буюк Британия ва Австралия вакиллари бу таклифга қарши чиқдилар. Уларнинг фикрича, турли делегациялар томонидан таклиф қилинадиган тузатишлар тарқатилишига қадар сулҳ шартномаси лойиҳасини муҳокама қила бошлаш мумкин эмас эмиш. Ҳар икки таклиф овозга қўйилди. Комиссия 4 овозга қарши кўпчилик 6 овоз блан сулҳ шартномаси лойиҳасининг муҳокамасини барча тузатишлар олинганига қадар кечиктирилсин, деб қарор қабул қилди. Овозга қўйиш вақтида 2 делегация бетараф қолди.

Шундан кейин, Финляндия делегациясининг сулҳ шартномаси лойиҳаси тўғрисидаги мулоҳазаларини эшитиш тартиби муҳокама қилинди. СССР вакили К. Новиковнинг таклифига мувофиқ, Финляндия блан тузиладиган сулҳ шартномасининг сиёсий масалалар ва территория масалаларига доир моддаларини ўрганучи комиссиянинг ишларини тезлатиш мақсадида тегишли комиссияларда илгариги душман мамлакатларнинг ўз фикрларини баён қилишлари тўғрисида умумий қоида белгилаш бош секретариатдан сўралсин, деб қарор қилинди.

ВЕНГРИЯ БЛАН ТУЗИЛАДИГАН СУЛҲ ШАРТНОМАСИ КОМИССИЯСИДА

Венгрия блан тузиладиган сулҳ шартномаси лойиҳасидаги территория масалалари ва сиёсий масалаларга доир моддаларни кўручи комиссиянинг ҳам мажлиси бўлди. Комиссия мажлисининг бошида Австралия вакили Стерлингни бир оғиздан раис ўринбосари қилиб сайлади. Шундан кейин, Чехословакия вакили рўзнома тўғрисидаги масала юзасидан гапирди ва шартнома лойиҳаси юзасидан умумий мунозара бошламасликни таклиф қилди, чунки лойиҳанинг кириш қисми муҳокама қилинган вақтда вакилларнинг ўз фикрларини айтишларига имкон берилади, деди. У, лойиҳанинг кириш қисмини дарҳол муҳокама қила бошлашни таклиф этди.

Югославия, Украина ва Совет Иттифоқининг вакиллари Чехословакия вакилининг таклифини қувватладилар. Гусев ва Валескалн Совет Иттифоқи делегацияси номидан комиссия ишларида қатнашмоқда.

Австралия, Буюк Британия ва Америка Қўшма Штатларининг делегациялари Чехословакия делегациясининг таклифига қарши чиқдилар.

Комиссия Венгрия блан тузиладиган сулҳ шартномаси лойиҳаси юзасидан умумий мунозара очилмасин, бу лойиҳа моддама-модда муҳокама қилинсин, делегациялар тузатишларни топширганларидан кейин, Венгрия ҳукуматининг мулоҳазалари олинганидан кейин муҳокама бошлансин, деб қарор қабул қилди. Шу блан бирга комиссия а'золари, зарурат бўлган тақдирда, кичик комиссияларни тузиш тўғрисидаги масала шундан кейинги ишлар давомида ҳал этилсин, деб якдил фикр билдирдилар.

Комиссия раисининг Румония-Венгрия чегараси тўғрисидаги масала юзасидан Венгрия ва Румония вакилларининг фикри тегишли комиссиялардан бирида ё Венгрия блан тузиладиган сулҳ шартномаси лойиҳасини ўрганучи комиссияда, ёки Румония блан тузиладиган сулҳ шартномаси лойиҳасини ўрганучи комиссиядагина эшитилсин, деб қилган таклифига қўшилди.

БОЛҚОН МАМЛАКАТЛАРИ ВА ФИНЛЯНДИЯГА ДОИР ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАР БЛАН ШУҒУЛЛАНУЧИ КОМИССИЯДА

Болқон мамлакатлари ва Финляндияга доир иқтисодий масалалар блан шуғулланучи комиссия 19 августдаги мажлисида бундан кейинги иш тартибини муҳокама қилди.

Совет делегацияси Румония, Булғория, Венгрия ва Финляндия блан тузиладиган сулҳ шартномалари лойиҳаларининг иқтисодий масалаларга доир моддалари ҳар бир шартнома юзасидан алоҳида-алоҳида муҳокама қилинсин, деб таклиф этди. Бу таклифни киргизган совет делегациясининг вакили Геращенко бундай тартиб барча шартномаларни тезликда қараб чиқишни та'мин этади ва ҳар бир шартноманинг хусусиятларини э'тиборга олишга имкон беради, деди.

Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия ва Франция вакиллари совет делегациясининг таклифини қувватладилар. Комиссия бу таклифни якдиллик блан қабул қилди.

БУЛҒОРИЯГА ДОИР СИЁСИЙ МАСАЛАЛАР ВА ТЕРРИТОРИЯ МАСАЛАЛАРИНИ ҚЎРУЧИ КОМИССИЯДА

Булғорияга доир сиёсий масалалар ва территория масалаларини кўручи комиссиянинг мажлиси Белоруссия вакили Киселёв раислигида ўтди.

Комиссия ўз иш тартибини белгилади. Совет делегациясининг таклифига мувофиқ, Джебб (Буюк Британия) комиссиянинг докладчиси қилиб тасдиқланди.

Греция вакили урушнинг кейинги даврида Булғориянинг иттифоқчилар томонида туриб Германияга қарши курашда ўйнаган актив ролини камайтиришдан иборат баёнотни протоколга ёздириш учун комиссия иш тартибининг муҳокама қилинишидан фойдаланишга уриниб кўрди. Греция делегациясининг бу таклифини ҳечким қувватламади. Совет делегациясининг а'зоси К. Новиковнинг таклифига мувофиқ, комиссия Греция делегациясининг таклифини якдиллик блан рад этди.

ҲАРБИЙ КОМИССИЯДА

Сулҳ Конференцияси ҳарбий комиссиясининг бугунги мажлиси рўзномасида докладчи сайлаш ва бундан кейинги иш тартибини белгилаш масалалари турар эди. СССР делегациясининг вакили генерал-лейтенант Славин тўртинчи масалани, я'ни Италия блан тузиладиган сулҳ шартномасининг ҳарбий масалаларга доир моддаларини муҳокама қилишни рўзномага киргизишни таклиф этди.

Австралия, Греция ва Бельгия вакиллари бу таклифга қарши чиқдилар. Буюк Британия вакили Александер рўзноманинг тўртинчи моддасини «турли масалаларни муҳокама қилиш» деб та'бирлашни таклиф этди. Аммо, генерал Славин, комиссияда ҳечқандай «турли масалалар» йўқ, деб та'кидлади. Амалий масала, я'ни Италия блан тузиладиган сулҳ шартномасининг ҳарбий масалаларга доир моддаларини муҳокама қилиш таклиф этилади, деди у.

Украина, Чехословакия ва Америка Қўшма Штатларининг вакиллари СССР вакилининг таклифини қувватладилар. Шу блан бирга Америка Қўшма Штатларининг вакили, вақт етишмаслиги орқасида тўртинчи масала бугун муҳокама қилиниб бўлмаса, бу масала келгуси мажлис рўзномасининг биринчи моддаси қилиб қўйилсин, деб писанда қилди. Овозга қўйиш натижасида СССР вакилининг таклифи 2 овозга қарши (Австралия, Бельгия) 18 овоз блан қабул қилинди.

Комиссия Буюк Британия делегациясининг таклифига мувофиқ, Ҳабашистон вакили Мехлинни бир оғиздан комиссия раиси қилиб сайлади.

Бошқа комиссияларда бўлгани каби бу комиссияда ҳам бундан кейинги иш тартиби тўғрисидаги масалада узоқ мунозаралар бўлди. Ба'зи мамлакатларнинг вакиллари, шу жумладан Буюк Британия ва Франция вакиллари «жанжалли масалалар»ни муҳокама қиладиган кичик комиссияларни дарҳол тузишни таклиф этдилар. Жумладан, Буюк Британия вакили Александер денгиз, ҳарбий-ҳаво масалалари блан шуғулланучи кичик комиссияларни ва умумий масалалар блан шуғулланучи кичик комиссияни ҳозирданоқ тузишни таклиф этди.

СССР делегацияси кичик комиссияларни дарҳол тузишга қарши э'тироз билдирди, чунки Александернинг бу таклифни ёқлаб келтирган далиллари комиссияда бирор ихтилоф борлигини назарда тутади. Комиссия қатнашчилари асосий масалани ҳали муҳокама қилишга киришмаганлиги сабабли ихтилофлар йўқ.

Узоқ музокаралардан кейин Буюк Британия вакили ўз таклифини қайтиб олди ва комиссия зарурат бўлмаган топиб, кичик комиссиялар тузилмасин, деб қарор қилди.

Илгариги душман мамлакатлар делегацияларининг сулҳ шартномалари лойиҳалари тўғрисида ўз мулоҳазаларини баён қилиш муддатлари ва шакли тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш учун кўп вақт сарф бўлди. Комиссия, барча комиссиялар учун секретариат томонидан тузиладиган тартибот қоидаларига риоя қилинсин, деб қарор чиқарди.

ХРОНИКА

СССР Олий Советининг Президиуми Ўртоқ Алексей Павлович **Павловни** СССРнинг Бельгиядаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси қилиб тайинлади.

* * *

Толиғулон гидроэлектростанцияси ишга туширилиши муносабати блан, бу гидроэлектростанция қурилишида актив ишлаганликлари учун, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1946 йил 15 августда чиқарган Фармонига мувофиқ, қурилишда яхши ишлаган ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилардан 315 киши Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиқлари блан мукофотланди.

ҚАЛЬКУТТАДА ҒАЛАЁНЛАР

ЛОНДОН, 17 август (ТАСС). Лондон радиоси билдиради: Калькуттада ғалаёнлар давом этмоқда. Деҳли радиосининг хабарига қараганда, бирнеча бинога ҳужум қилинган ва кўчада тўқнашувлар бўлган. Оломон кўчаларда қатнаётган автобус ва трамвайларни тўхтатиб, уларни ағдариб ташлаган. Калькутта устида аэропланлар учиб юрган. Полиция оломонни бирнеча марта тарқатиб юборган. Шаҳарда қурол тақиб юришни ва бир жойда беш кишидан ортиқ йиғилиб туришни тақиқлаган буйруқ э'лон қилинди.

Ҳозиргача шаҳарда 200 киши ўлдирилган.

ЛОНДОН, 18 август (ТАСС). Рейтер агентлигининг Калькуттадаги мухбири билдиради: Калькуттада 17 августда эрталаб бўлган ғалаёнлар вақтида 100 га яқин киши ўлдирилди ва 900 га яқин киши ярадор бўлди. Калькуттада аҳвол ҳануз кескинлигича қолмоқда. 16 август соат 9 да шаҳарда кўчага чиқишни тақиқлаб буйруқ э'лон қилинган эди. 17 август эрталаб соат 4 да бу буйруқ бекор қилинди. Броқ шаҳарда ҳали трамвай ва автобуслар қатнай бошлаган эмас. Шаҳардаги ёнғин ўчириш командалари 16 августда 400 жойда ёнғинларни ўчирганликларини хабар қилдилар.

ДЕҲЛИ, 18 август (ТАСС). Деҳли радиоси билдиради: Калькуттадаги ёнғин ўчириш командалари ёнғин ўчириш учун 400 жойга чақирилган. Кеча Патна ва Оллоҳободда ғалаёнлар давом этди

Бомбойда мусулмонларнинг кўп киши иштироки блан бўлган митингида Фироз-хон Нун сўзга чиқиб, мусулмонлар иттифоқининг «очиқ ҳаракат» тўғрисидаги шиори инглизларга қарши қаратилган, деди. Мусулмонлар иттифоқи ижроия комитетининг а'зоси Қози Муҳаммад Исохон ҳам кеча Деҳлида мусулмонларнинг митингида сўзга чиқиб шу фикрни та'кидлади.

ЛОНДОН, 19 август (ТАСС). Лондон радиоси билдиради: кеча тушдан кейин Калькуттада аҳвол ҳамон бесарамжон эди. Кўп жойларда полиция милтиқ отиб, оломонни тарқатиб юборди. Касалхоналардан бирига ярадор бўлган 64 киши келтирилди. Ҳиндистон Миллий конгресси партиясининг Бенгалиядаги ташкилотининг бошлиғи Неруга ва партиянинг бошқа раҳбарларига юборган телеграммасида, аҳвол тобора ёмонлашаётганлигини хабар қилади.

ЛОНДОН, 19 август (ТАСС). Рейтер агентлиги Калькуттадан билдиради: «Истерн экспресс» газетасининг хабарига қараганда, Калькуттадаги воқиалар вақтида икки кун ичида 600 киши ўлдирилган ва 2.500 киши ярадор бўлган.

ДЕҲЛИДА ПОЛИЦИЯ КОММУНИСТЛАР ПАРТИЯСИНИНГ БИНОСИГА ҲУЖУМ ҚИЛДИ

ДЕҲЛИ, 16 август (ТАСС). Деҳлида полиция коммунистлар партиясининг биносига ҳужум қилди ва партия ҳамда касаба союзи арбобларидан бирнеча кишини қамоққа олди

ИНДОНЕЗИЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИ ТЎҒРИСИДА «ИНДОНЕЗИЯ» ЖУРНАЛИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

ГААГА, 17 август (ТАСС). Индонезиядан олинган хабарларга қараганда, кеча турли ороллардаги аҳоли Индонезия республикаси э'лон қилинганига бир йил тўлган кунни баланд руҳ блан байрам қилган.

«Индонезия» журнали индонез халқи олиб борган курашнинг асосий даврларига батафсил тўхталиб, бундай деб ёзади: «Индонезия оролларида ҳали ҳам уруш ҳаракатлари давом этмоқда. Голландия Индонезияга яна аскар юбориш учун жиддий тайёрланмоқда. Шу блан бирга Голландия тескаричилари қўрқитиш ва дўқ уриш йўли блан республиканинг бирлигини бузишга уринмоқдалар.

Индонезлар Индонезиянинг мустақиллигини таниш тўғрисида музокаралар бошлаш учун уруш ҳаракатларини тўхтатишни бирнеча марта таклиф қилдилар. Яқинда Шарир ярашиш тўғрисидаги таклифни яна такрорлади, лекин бу таклиф э'тиборсиз қолдирилди. Инглиз ва голланд қўшинлари республикага қарши ҳужумни давом эттирмоқдалар. Республиканинг турли жойларида бомбалар портламоқда, тўп овозлари гумбурламоқда.

Ғарбий Европадаги мазлум халқларга яқинда озодлик келтирган бомбардимончи аэропланлар ҳозирги вақтда Индонезиянинг тинч аҳолисини бомбардимон қилмоқдалар».

ГЕРМАНИЯНИНГ АМЕРИКА ОККУПАЦИЯ ДОИРАСИДА ЕР ИСЛОҲОТИ

БЕРЛИН, 18 август (ТАСС). «Нейес Дейчланд» газетаси «Шу ҳам ер ислоҳоти эмиш» деган хабарда бундай деб ёзади: Америка оккупация доирасида ер масалалари блан шуғулланучи кенгашнинг фавқулодда мажлисида ер ислоҳоти тўғрисидаги қонун лойиҳаси қабул қилинди ва Америка ҳарбий ма'мурлари тасдиқига топширилди. Бу қонунга мувофиқ, 100 гектардан 500 гектаргача ери бўлган хўжаликларнинг ери мусодара қилинмайди. Бундай хўжаликларнинг эгалари ўз майдонларининг 10 процентдан 50 процентгача бўлган миқдоринигина беришлари керак. 500 гектардан ортиқ ери бўлган хўжаликларнинггина ери мусодара қилинади. Ер масалалари блан шуғулланучи кенгашнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ишларини кўручи махсус вакили Дитрих, жам'и 71.000 гектар ер мусодара қилинишини билдирди. Бу қонунга биноан Америка доирасида жам'и 789 хўжаликнинг ери мусодара қилинади.

ГОМИНДАНЧИЛАРНИНГ АЭРОПЛАНЛАРИ АҲОЛИ ЯШАБ ТУРГАН ЖОЙЛАРНИ БОМБАРДИМОН ҚИЛМОҚДАЛАР

НАНКИН, 19 август (ТАСС). Синьхуа агентлиги билдиради: 13 августда гоминданчиларнинг бомбардимончи аэропланлари Шаньси вилоятининг шимолий қисмидаги Хуньюнь қишлоғига тўртта бомба ташладилар. Бомбалар портлаши натижасида 6 уй вайрон қилинди. Ўлган ва ярадор бўлган кишилар бор. 14 августда гоминданчиларнинг бир аэроплани шу районда аҳоли яшаб турган бир жойни ўққа тутди. 15 августда гоминданчиларнинг Калган шаҳри устидан учиб ўтган бир аэроплани шаҳарни пулемётдан ўққа тутди, аэроплан қайтишда Янгаога учта бомба ташлади.

АРКТИКА РАЙОНИДА АМЕРИКА АРМИЯСИНИНГ ЯҚИНДА БЎЛАДИГАН МАНЕВРЛАРИ ТЎҒРИСИДА ҚАНАДА ЖУРНАЛИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

ОТТАВА, 18 август (ТАСС). «Ньюс леттер» журналининг Вашингтон мухбири хабар беради: Американинг Қутб доирасидаги ёки унга яқин жойлардаги ҳарбий базалари кўпайтирилмоқда ва мустаҳкамланмоқда. Сир тутилишига қарамай, Фербенксдаги Лэд аэродромида ёз охирида Аляска базаларидан туриб маневр ўтказиш, шунингдек қиш куни кенг миқ'ёсда маневр қилиш учун аэропланлар, ўзиучар снарядлар ва бошқа ҳар хил асбоб-ускуналар тўпланган. Мухбир «бирлашган мудофаа масаласини» ҳал этишда Канаданинг яқиндан ҳамкорлик қилаётганлигини эслатиб ўтмоқда.

ХИТОЙГА ЯНА АМЕРИКА ДЕНГИЗ ПИЁДА АСКАРЛАРИ КЕЛДИ

НАНКИН, 15 август. (ТАСС). Сентрал ньюс агентлигининг Тяньцзиньдан берган хабарига қараганда, Тяньцзинь ва Тангуга 14 августда Америка кемаларида Америка Қўшма Штатларидан денгиз пиёда аскарларидан яна 700 офицер ва солдат келган.

СЛОВАК ХАЛҚИНИНГ ХОИНИ ТУКА ЎЛИМ ЖАЗОСИГА ҲУКМ ҚИЛИНДИ

ПРАГА, 16 август (ТАСС). Газеталарда босилган хабарларга қараганда, Братиславадаги миллий суд словак халқининг хоини, Словакиянинг собиқ бош министри доктор Туканни осиб ўлдиришга ва мол-мулкини мусодара этишга ҳукм қилган.

Мас'ул муҳаррир ўринбосари
Р. САХИБОЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА ТЕАТРИДА — 21 августда **Бой ила хизматчи**, 22 августда **Маскарад** 23 августда **Муҳаббат**.

ЁЗГИ ЭСТРАДА ТЕАТРИДА (Горький номли боғ) — 21 ва 22 августда **Бутун Иттифоқ эстрада артистлари конкурси қатнашчиларининг концерти**. Программада: СССР халқларининг ашула ва рақслари. Концерт кеч соат 10 да бошланади.

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОТ-ФРОНТ» — Шорс; «НАВОИЙ» — янги бадиий фильм Қасам; «ОКТЯБРЬ» — Қайтиш; «ВАТАН» — янги бадиий фильм Давид Гурамишвили; «ХЕВА» — Давид Гурамишвили; «ИСКРА» — янги бадиий фильм Озод қилинган ер; «УДАРНИК» — Икки жангчи; «ТЕЛЬМАН» — Айбсиз айбдорлар; «ПОБЕДА» — Тракторчилар; «ВЕСНА» — Денгиз батальони.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун иккала залда Гумаштанинг синглиси: «ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун Фил ҳайдовчи бола; «НОВОСТИ ДНЯ» — Безовта хўжалик; «ПОБЕДА» — кечқурун Болтиқ депутати.

ЎзССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
қуйидаги институтларнинг:
1) Экономика, 2) Тил ва адабиёт, 3) Физика-техника, 4) Тупроқшунослик, 5) Ботаника ва зоология
институтларининг
АСПИРАНТУРАЛАРИГА
ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ
1946 йил 10 сентябрьгача
ДАВОМ ЭТДИРАДИ

Ўқиш муддати 3 йил.

Аспирантларга ойига 600 сўм стипендия ва гарантияли та'минот берилади. Уй-жой блан та'мин қилинмайди.

Ариза ва тегишли ҳужжатларни топшириш учун адрес: Тошкент шаҳар, Абдулла Тўқаев кўчаси, 1-нчи уй, 47-нчи хона.

Сталин номидаги Марказий пионерлар саройи ҳузурида
Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист
Али-Ардобуснинг бадиий раҳбарлигида
БОЛАЛАР КАТТА МУЗИКА, АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИ
УЮШТИРИЛАДИ

Ансамбль мутахассис педагоглар блан та'минланган.

Ансамбльга ўзбек болалари, шунингдек ўзбек тилини билган бошқа миллат болалари қабул қилинади.

Ансамбльга киришни хоҳлаган ўқувчи болалар Сталин номидаги пионерлар саройи дирекциясида 1946 йил 1 сентябрьгача ёзилишлари мумкин.

Ансамбль қатнашчилари трамвай билетлари блан та'минланади.

Адрес: Тошкент шаҳар, Карл Маркс кўчаси, 19-нчи уй.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА МУЗИКАЛИ ДРАМА ВА КОМЕДИЯ ТЕАТРИ
ўзининг ижодий составини тўлдириш учун:
ашула ва рақсга қобилиятли
17 ёшдан кам бўлмаган
йигит ва қизлар
шунингдек ҳар ёшдаги
эркак ва хотин-қизлар
ҳамда
қилли ва духовой музика асбобларини чалучилар
ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Аризалар ҳар куни театр дирекциясида кундуз соат 12 дан кеч 5 гача қабул қилинади.

Адрес: Навоий кўчаси, 69-нчи уй (Оближроком биносида). Телефон — 33907. 33418.

Тошкент шаҳар, Октябрь район, 17 бўлим халқ суди билдирадики, Р. Эгамбердиевнинг Т. Орифжоновадан ажралиш ҳақидаги аризаси судда кўриш учун қабул қилинди.

СССР Шарқ районлари нефть саноати министрлиги ҳузуридаги Ўқув юртлари бош бошқармасининг
ҚЎҚОН НЕФТЬ ТЕХНИКУМИ
1946-47 ўқув йили учун
биринчи ва иккинчи курсларга
ЎҚУЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникумда қуйидаги мутахассислар тайёрланади:

1. **Нефть ва газ скважиналарини қазучи техниклар.**
2. **Нефть ва газ скважиналарини эксплоатация қилучи техниклар.**
3. **Нефть ва газ конларини қидириш ва ишлашга доир геолог техниклар.**
4. **Электротехниклар.**

Техникумда ўқиш муддати 4 йил.

Дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Биринчи курсга тўлиқсиз ўрта мактабни ёки ўрта мактабнинг 7-8 синфини битирган, 15 ёшдан 30 ёшгача бўлган эркак ва хотин-қизлар қабул қилинади. 10 синфни битирганлар техникумнинг иккинчи курсига қабул қилинадилар.

Кирувчилар математика, рус тили ва Конституциядан 7 синф ҳажмида синаладилар. Ўрта мактабнинг 7-8 синфини а'ло даражада битирганлар техникумга имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

Дарсларни ўзлаштирган ўқучилар ойига 125 сўмдан 412 сўмгача стипендия блан та'минланади.

Ўқучилар техникумнинг магазин ва ошхонаси орқали саноат ишчилари блан бир қаторда та'мин қилинадилар.

Техникумнинг ҳарқайси курсида ўқучилар Қизил Армияга чақирилишдан муҳлат оладилар.

Ишлаб чиқаришда ишлаётган ва техникумга қабул қилинган кишилар ишдан озод қилинадилар.

Уй-жойга эҳтиёж кўрган ўқучилар ётоқ блан та'минланади.

Аризани техникум директорининг номига ёзиш ва қуйидаги ҳужжатларни қўшиб, шахсан олиб келиб топшириш ёки почта орқали юбориш лозим: 1) ма'лумоти ҳақида гувоҳнома, 2) метрика қоғози, 3) таржимоий ҳоли, 4) учта фотокарточкаси, 5) ҳарбий хизматга муносабати бўлган кишилар учун шу ҳақда справка, 6) соғлиғи ҳақида справка, 7) иш ўрнидан ёки турар-жойидан справка.

Аризалар 1946 йил 20 августгача (ҳар куни эрталаб соат 8 дан кеч 8 гача, якшанба кунларида эса эрталаб соат 10 дан кеч 8 гача) техникум биносида, шунингдек Наманган, Андижон, Фарғона, Марғилон, Ленинобод ва Самарқанд шаҳарларидаги вакиллари томонидан қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 25 августгача бўлади. Ўқиш 1946 йил 1 сентябрьда бошланади.

Кирувчилар учун техникумда математика, рус тили ва Конституциядан консультациялар уюштирилган.

Техникумнинг адреси: Қўқон шаҳар, Карл Маркс кўчаси, 22-нчи уй. Телефон — 2-04.

Тошкент шаҳар, Октябрь район, 14 бўлим халқ суди билдирадики, Ж. Мўминовнинг Қ. Абдурасуловадан ажралиш ҳақидаги аризаси судда кўриш учун қабул қилинди.

Тошкент шаҳар, Киров район, 20 бўлим халқ суди билдирадики, К. Юсуповнинг Н. И. Авиловадан ажралиш ҳақидаги аризаси судда кўриш учун қабул қилинди.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЕТ АДРЕСИ: Тошкент, Алексеев кўчаси, № 8. РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: мас'ул муҳаррир ва унинг қабулхонаси — 36545, мас'ул муҳаррир ўринбосари — 32916, мас'ул секретарь — 31638, мас'ул секретарь ўринбосари — 33468, партия бўлими — 34780, совет қурилиши бўлими — 31226, қишлоқ хўжалиги бўлими — 33469, саноат бўлими — 31048, хатлар бўлими — 32347, Нашриёт директори — 34786
Тошкент шаҳар «Правда Востока» ва «Кизил Ўзбекистон» босмахонаси. Тиражи 64.5 минг № 53 Р 04825.